

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

УДК 94.946.70.59

Қўлёзма ҳуқуқида

Ниёзов Қувончбек Холмирза ўғли

Туман ер балансини тузишда геоахборот тизимини қўллаш

(Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжаликлари мисолида)

5A410701 - “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш” мутахассислиги
бўйича Магистр академик даражасини золиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Олий мажлис қонунчилик
палатаси депутаты доц., т.ф.н
П.Реймов

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА:

Т/р	Диссертация ишининг таркибий қисмлари	Бетлар
1	Кириш	9
2	1-БОБ Ер балансининг мазмуни, турлари, ва уни тартиби	13
	1.1 Ер балансининг мазмуни ва уни тузиш тартиби	13
3	1.2. Туман ер фондини ердан фойдаланувчи субъектлар орасида оқилона тақсимлашда ер ислохотининг ўрни	18
4	1.3.Туман ер балансини тузишда геоахборот тизимидан фойдаланиш зарурияти	24
	1-БОБга хулоса	31
5	2-БОБ Тошкент вилояти Қибрай туманида ер балансини тузишда замонавий технологияларни қўллаш	32
6	2.1 Тошкент вилояти ва Қибрай тумани ҳақида умумий маълумот	32
7	2.2 Туманда илғор компьютер воситаларини қўллаш	42
8	2.3 Қибрай туманидаги Фермер хўжалиklarини хариталаш ҳолати	48
9	2.4 Дала шароитида ишчи ходимларни хавфли омиллардан химоя қилиш.	56
	2-БОБга хулоса	58
10	3-БОБ Ер балансини тузишда геоахборот тизимларидан самарали фойдаланиш.	59
11	3.1.Маъмурий туманда ер балансини тузишга оид тавсиялар	59
12	3.2.Туман ер балансини тузишда геоахборот базасининг намунавий алгоритми.	64
13	3.3. Туманда ер баланси ҳужжатлари	71
	3-БОБга хулоса	79
14	Хулоса	80
15	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82
16	Иловалар	94

КИРИШ

Ер қишлоқ хўжалигида энг асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Шунинг учун ҳам ер муносабатларини ислоҳ қилиш, ерга бўлган мулкчилик масаласини ҳал қилиш ўтказилаётган ислоҳотларнинг негизини ташкил қилади. Амалдаги қонунларга биноан ер давлат мулки ҳисобланади. Ерга давлат мулкчилигини сақлаб қолган ҳолда уни бозор муносабатларига жалб этиш, бунинг учун зарурий иқтисодий механизмларни яратиш мамлакатимиз аграр тармоғида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Бугунги кунда вақтда республиканинг 44410,3 минг га умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалик ерлари 22614,0 минг га бўлиб, бу умумий ер салоҳиятининг 50,9 фоизига тўғри келади. Аммо интенсив деҳқончилик фақат 4278,0 минг га ёки умумий майдоннинг 9,6 фоизига тенг суғориладиган ерларда олиб борилади ҳолос. Бу ерлар ҳар хил табиий қишлоқ хўжалик ҳудудларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитлар билан, бинобарин, турли унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳар хил даражадаги ҳосилдорлиги билан тавсифланади. Булар ҳаммаси давлат томонидан ерлар ҳолатини ва улардан фойдаланишни доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва таҳлил қилиб боришни талаб этади.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг иқтисодий ислоҳотлар дастлаб аграр секторда бошланди. Чунки мамлакат иқтисодиётининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ва унинг асоси бўлган ер бошқа соҳалардан фарқли ўларок бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларни бажаради. У инсонлар яшаши учун жой, иш қуроли ва ишлаб чиқариш предмети, даромад манбаи бўлиши билан бир қаторда аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлайди ва саноат маҳсулотлари учун бозор вазифасини бажаради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ердан унумли фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш устида олиб борилаётган тадбирлар етарли бўлмапти. Кейинги йилларда тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда. Бунинг сабабларини аниқлаш ва кўп укладли иқтисодиёт шароитида

ердан самарали фойдаланиш йўллари белгилаб олиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Шунинг учун Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжаликларини туман ер балансига киритишда геоахборот тизимини қўллаш тадқиқот ишида кўрилган. Танлаб олинган мавзунинг долзарблиги шулар билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида туман ер балансини тузишда геоахборот тизимини қўллаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар хал этилган:

—кўп укладли иқтисодиёт шароитида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари ва иқтисодий кўрсаткичлари тизими такомиллаштирилган;

—мавзуга оид жаҳон тажрибаси ёритилган ва бу асосда хулосалар чиқарилган;

—турли хўжалик юритиш шакллари шароитида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг предмети ва объекти. Ҳозирги кунда туманда фаолият кўрсатаётган хўжалик шакллари туман ер балансини тузишда геоахборот тизимини қўллаш жараёни тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб мамлакат туманда фаолият юритаётган хўжаликлар ҳисобланади. Алоҳида монографик тадқиқотлар Тошкент вилоятида Қибрай туманидаги ердан фойдаланувчи субъектларда ўтказилди.

Тадқиқотнинг услубияти ва услублари. Аграр иқтисодчи олимлар томонидан ердан фойдаланиш, рента муносабатларини ривожлантириш бўйича илгари сурилган назарий ва амалий ғоялар тадқиқот ишининг услубий асоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотни олиб боришда маълумотларни тўплаш, тизимли ва қиёсий

таҳлил қилиш, умумлаштириш, танланма кузатиш, мантикий солиштириш, абстракт фикрлаш, статистик гурухлаш, монографик кузатиш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ер тузиш ва ер муносабатлари бўйича илмий тадқиқот олиб борган ва олиб бораётган олимларининг илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлиб:

—турли хўжалик юритиш шакллари туман ер балансига киритишни такомиллаштирилган;

—ресурс таъминотини ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқилган;

—турли хўжалик юритиш шакллари шароитида ердан фойдаланишда рента муносабатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган;

—туман ер балансини тузишда геоахборот тизимни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

—ердан фойдаланишда солиқ тизимини такомиллаштириш ва ер ижараси муносабатларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

—туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ходимларини иш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш туманда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Туман ер балансини тузишда геоахборот тизимини қўллаш нафақат муҳандис ходимларнинг иш вақтини тежаш билан бир қаторда иш сифатини ҳам оширади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Туманда турли хўжалик юритиш шакллари туман ер балансига киритишни такомиллаштирилди, ер маълумотлар тизими таъминотини ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқилди, туман ер балансини тузишда геоахборот тизимни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди; туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ходимларини иш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, бетдан иборат. Диссертацияда та жадвал, та чизма акс эттирилган.

Илмий ишнинг кириш қисмида танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, услуби ва услубиёти, амалга оширилган тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тошкент вилояти Қибрай туманида турли хўжалик юритувчи субъектларни ер балансига киритишда замонавий технологияларни шунингдек, геоахборот тизимини қўллашнинг ижобий томонлари кўрсатиб ўтилган.

1-БОБ. ТУМАН ЕР БАЛАНСИ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Ер балансининг мазмуни ва уни тузиш тартиби

Ер баланси давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани холда массив хисобининг бир тури хисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Халқ хўжалиги тармоқларида ер турли белгиланган мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан, ер балансини доимий равишда юритиб бориш амалга оширилади. Ер уй-жой биноларини, саноат, транспорт, кишлок хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш масканлари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида хисобга олинади.

Ерларни хисоб қилиш мамлакат бўйича ягона услубият асосида ўтказилади. Бу эса ўз навбатида хисобга олинган ер тоифалари ва республиканинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни бир - бирлари билан таққослашни таъминлайди. Шу мақсадларда ер ва ер турларининг ягона классификациялашда, ер хисобининг маълумотларини олиш, қайта ишлаш ва тизимли тарзда гурухлашнинг ягона тизими қўлланилади.

Ер балансининг объекти туман ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаяптими ёки йўқми, булардан қатъий назар, ушбу туман ер фондига кирувчи барча ерлар хисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, туман ер фондининг барча майдонларини ер хисоби хамма ерларни қамраб олиши керак, бу эса ўз навбатида, умумий майдонни, уни ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ер балансини тузишнинг муҳим шарти уни ўз вақтида узлуксиз юритишдир. Бу эса ер баланси маълумотларини давр талаби даражасида тутишга имкон беради. Бу тамоийил ер майдонларининг холати ва фойдаланишида рўй берадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларин тизимли тарзда хисоб қилиб боришга зарурият туғдиради. Ер майдонларини хисоб қилишда барча ўзгаришлар натурада (жойда) қайд қилинганидан сўнггина ер хисоби хужжатларига қайд қилиш зарур. Миқдорий

маълумотларни турли графиклар тарзида (графиклар, диаграммалар) курсатиш мақсадга мувофиқдир. Ер хисоби ва ер хисоботи хужжатлари ўртасида мантикий жihatдан доимий равишда боғлиқлик бўлиши керак, негаки ушбу ер хисобининг натижалари ер хисоботини (ер балансини) тузишга бирламчи асос бўлади.

Ер балансини ўтказишда имкони борича камроқ харажат талаб қиладиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг анчагина такомиллашган усуллари кўллаш мамлакат ягона ер фонди хисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин бўлади.

Ер балансини тузиш ер хисобини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишлар миқёсини умумий ҳолатда баҳолаш учун мисол тариқасида қуйидаги маълумотларга мурожаат қиламиз: Республикамиз ягона ер фонди (44410,3 минг га) Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 165 маъмурий туман, 40 дан ортиқ мамлакат, ва вилоят ахамиятидаги шаҳарлар бўйича хисобга олинади ва тавсифланади. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар сони ҳозирги кунга келиб 6 млндан, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари 60 мингдан ошади. Қишлоқ хўжалик ерларини хисобида, синфлар, тупроқларнинг механик таркиби бўйича тўла тавсиф берилади, барча қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш амалга оширилади.

Дала-қидирув ишлари асосан жойдаги зарурий ер хисоби маълумотларини белгилаш бўйича махсус ишларни ўз ичига олади. Буларга асосан: тасвирга олиш, кузатув, мавжуд план-харита материалларини таҳрир қилиш киради.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ер тузувчи лавозимимда хизмат қилувчи шахс айниқса ер баланси хужжатларини юритиш тажрибасига эга бўлиши зарур, негаки ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича ҳам бир қатор ер кадастри хужжатлари доимий равишда юритилади. Уни бошқа ишга ўтказиш фақат туман хокимияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ер тузувчи мутахассис ўз иш фаолияти тўғрисида ҚФЙ ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматининг бошлиғи олдида ахборот беради.

Ўзининг асосий функциясидан келиб чиққан тарзда ер балансини тузиш соҳасида туман ер тузувчи мутахассисига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- ер қонунларини яхши билиш, фуқаролар тамонидан унинг бекаму-кўст бажарилишини тизимли тарзда кузатиб бориш ва йўл қўйиладиган камчиликларни тузатиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрган ҳолда аниқланган бузилишлар тўғрисидаги маълумотларни хўжалик бошқарувига ўз вақтида етказиб туриш;

- маъмурий туман ерларини аниқ билиши ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича назоратни тўла таъминлаши;

- хўжалик фаолияти натижасида ер турлари ва уларнинг сифати, чегаралари ўзгарган ҳолда дала ўлчови ишларини ўтказиш, ўзгарган контурлар майдонларини туман харитасига ҳамда ер баланси ҳужжатларига тушириб бориши;

- ҳар йилнинг 1 январига бўлган ҳолатда туман ер балансини тузиш мақсадлари учун хўжалик бошқаруви номидан жамоа ерлари ҳамда томорқа участкалари майдонларининг ўзгариши тўғрисидаги зарурий маълумот-ларни тайёрлаш;

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, ер тузиш хизматининг ходимлари ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари ҳисобланадилар. Ерлардан фойдаланиш бўйича давлат назоратидан кўзланадиган асосий мақсад - бу барча вазирликлар, идораар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар тамонидан ер қонунларига риоя қилинишни, ерлардан фойдаланиш тартибини, ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш учун ер тузиш учун ер тузиш ва ер кадастрини юритишни тўғрилигини таъминлашга қаратилгандир.

Кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида кўпинча ерлардан фойдаланишни назорат ишлари жамоатчи инспекторлар тамонидан амалга оширилади. Бундай инспекторлар айнан туман ер тузувчиларидан тайинланади. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ранг-баранглиги, ердан фойдаланувчи субъектлар сонининг кескин ошиб кетаётганлиги шароитида ерлардан фойдаланишни назорат қилишга бўлган талаб айниқса ошмоқда. Шундай экан,

айнан ушбу хўжаликларда фаолият кўрсатаётган ер тузувчи мутахассислар назорат ишларини ер қонунларида кўзда тутилган тарзда олиб боришлари зарур.

Суғориладиган ерларни ер баланси майдонларни ер турлари ялпи ер балансининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у умумий тарзда қабул қилинган классификация бўйича амалага оширилади. Бундан ташқари ўзининг фойдаланиш характери бўйича суғориладиган ерларнинг ҳисоби ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Бундай ерларни наинки ер турлари бўйича, шу билан бирга алоҳида ерларни суғориш даври бўйича, суғориш усуллари бўйича, суғориш ва каллектор-зовур тармоқларининг ҳолатлари бўйича ҳам ҳисобини юритишга заурят туғилади.

Ерларни йўқлама қилиш – ер майдонининг аниқ ўлчамини аниқлаш, фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларин кўриб чиқишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади. Ер баланси ҳужжатлари туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматидан олинади. Бу ишни ўтказишдан мақсад – ер майдони ўлчамини, назоратини ҳисобини аниқ олиб бориш ва маҳаллий бюджетга ер солиғини тўлиқ ундурилишни таъминлашдан иборат.

Ер баланси ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- ер ажратиш тўғрисидаги туман (вилоят) ҳокимимнинг қарорлари ва қарор учун асос бўлган ҳужжатлар тўплами;
- харитадан кўчирма;
- ер майдонларини ҳисоблаш қайдномаси.

Енгил типда қурилган савдо, матбуот дуконлари ва айвонлари йўқлама қилинмайди.

Туман ер балансини тузиш учун ерларни йўқлама қилиш тадбирини бошлашдан аввал туман ҳокими ўринбосари раислигида туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати, туман солиқ инспекцияси, туман статистика бўлими, туман кўчма мулк кадастри, туман бош меъмори, туман техник инветарлаш бюроси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларидан иборати ишчи гуруҳ тузилади. Бу тўғрида туман ҳокимининг фармоиши қабул қилинади.

Йўқламадан ўтказишни ташкил қилиш ва бу ишга раҳбарлик қилиш Қарақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеши, вилоят ва туман ҳокимлари тамонидан амалга оширилади. Ишнинг натижаси бўйича ҳар бир корхона ташкилот учун йўқлама қилиш далолатномаси тузилади.

Туман бўйича йўқлама қилиш натижалари ер балансининг 22-шаклида тизимлар бўйича, яъни, фермер хўжаликлари, ёрдамчи хўжаликлар, ўқув-тажриба хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари, ўрмон хўжаликлари ерлари саноат, транспорт, савдо ва бошқалар бўйича ҳисобот тузилади.

Ер балансини тузишда ҳамда туманда ерлардан фойдаланишнинг давлат назорати билан боғлиқ барча ишлар туман ҳокимияти қошида ташкил этилган. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматига юклатилган. Бу хизмат махсус тайинланадиган бошлиқ томонидан бошқарилади. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғининг ер балансини тузиш ҳамда ердан фойдаланиш бўйича берадиган барча кўрсатмалари тумандаги барча ердан фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари туман ҳокимлик-лари билан келишилган ҳолда вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан тайинланадилар.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари айни пайтда туман ҳудудида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни назорат қилиш давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизмати ўз фаолияти даврида ерлардан имкони борича тўла ва унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун ва бошқа заруриятлар учун яроқли янги ерларни аниқлаш мақсадларида туман ер фондини ўрганади. У ерлардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бажарилишини, ер тузиш лойиҳаларини амалга оширилишини, белгиларни сақланишини назорат қилади.

Ергеодезкадастр ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмиталарининг вилоят бошқармаларига, қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармасига ҳамда зарурият туғилган тақдирда республика миқёсидаги идоралар, вазирликлар ва кўмиталарга ер

тузиш, ер кадастри ва мониторингини, тупроқ, мелиоратив, геоботаник кузатувларни, ерларни тасвирга олиш ва хариталаш, шунингдек бошқа дала-тадқиқот ишларини бажариш бўйича аризаларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда уларни амалий жиҳатдан бажарилишини назорат қилиш.

Ўзларига юклатилган юқоридаги мажбуриятларни бажаришлари учун «Ергеодезкадастр» туман хизматининг ходимлари туман ҳудудидаги барча ердан фойдаланишларга ҳеч бир тўсиқсиз киришлари ва ерларни кузатишларини ўтказишлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан, фуқаролардан амалда бўлган ер қонунларига риоя қилишларини, ердан фойдаланишда вужудга келган хато-камчиликларни тўғриланишини талаб қилишлари мумкин. кузатув ишларини, майдонларни назоратли ўлчов ишларини ўтказиш ҳамда ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш учун туман ер ресурслари хизматининг бошлиғи хўжаликларда меҳнат қилаётган ер тузувчи мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

1.2. Туман ер фондини ердан фойдаланувчи субъектлар орасида оқилона тақсимлашда ер ислоҳотининг ўрни

Ер ислоҳоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳамма миллий хўжалик тармоқлари ўртасида ер тақсимотини қайтадан кўриб чиқиш, барча ердан фойдаланувчилар янги хўжалик корхона ва муассасаларнинг манфаатини шу масала юзасидан тенг ҳуқуқийлик тамойилига амал қилган ҳолда бозор иқтисодиётига мос кўп қиррали иқтисодни ташкил этиш мақсадида ўтказилади. Бунда асосий вазифа республика ер мулк салоҳиятидан янада тўлиқ, унумли ва самарали фойдаланиш ҳамда уни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш деб ҳисобланади.

Ислоҳот жараёни босқичларга бўлинган ҳолда фуқаролар, ташкилот, корхона, муассасалар, бирлашмалар, ширкат хўжаликлар, кичик ва қўшма корхоналарга ер ажратиш ва уларга ерга эгалик ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасини бериш билан алоқадор масалалар кўриб чиқилади.

Ислоҳотнинг дастлабки босқичида маъмурий чегаралар (туман, вилоят, республика) ва улар таркибига кирувчи майдонлар аниқланади. Иккинчи босқичда эса республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган вазирликлар, кўмиталар,

концернлар, бирлашма ва уюшмалар ва бошқаларнинг ер мулк салоҳиятига бўлган эҳтиёжи ҳамда ернинг ҳудудий тақсимоли масалалари ўрганиб чиқилиши зарур бўлади. Учинчи босқичда фуқаролар, корхона, ташкилот, муассасаларни қайси юқори босқичдаги вазирлик ёки идораларга бўйсунганини ҳисобга олган ҳолда ер майдонига ва ер сифатига бўлган талабга қараб ўрганиб чиқиш масаласи қўйилади.

Тўртинчи босқичда туманларда, вилоятларда ва иқтисодий минтақаларда махсус ер фондини ташкил қилиш ва уни қайта тақсимлаш ишларини амалга ошириш зарур бўлади. Бешинчи босқичда ердан фойдаланилганлик учун ер солиғи ва ижара ҳақини аниқлаш ҳамда амалдаги кўрсаткичларга тузатмалар киритиш ишлари бажарилади. Олтинчи босқичда барча турдаги хусусий ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер ижарачилари томонидан "Давлат далолатномалари» ни тайёрлаш, топшириш, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқлаш каби ишлар бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг ер-мулк салоҳияти катта бўлиб, бу миллий бойликнинг имконияти аҳолининг озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан тўлиқ таъминлашга қодирлиги назарий жиҳатдан маълум. Лекин қишлоқ хўжалигини маъмурий буйруқбозлик услубида бошқариш, ерга эгалик қилишдаги давлат монополиясининг мавжудлиги хўжалик юритишдаги, асосан, фермер хўжаликлари шакли устуворлиги деҳқон ва чорвадорнинг ердан ажралган ва туб маънода ерсиз иш юритиши ижтимоий-иқтисодий талафотларга, озиқ-овқат танқислигига ва амалдаги ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келган. Уларнинг ҳаммаси ер мулк салоҳиятидан фойдаланиш самарасига катта салбий таъсир этган.

Бу ҳолат натижасида 1985-1990 йилларда қишлоқ хўжалик ерлари майдонида миқдор ва сифат жиҳатдан ижобий ўзгариш бўлмаган. 1991 йилга келиб жамиятда рўй бераётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик жараёнлар зудлик билан ер муносабатларини ўзгартириш асосида Республика ҳудудида аграр ислохотни ўтказишга эҳтиёж зарурлигини тақозо этди. Ер ислохоти иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, техник ва ташкилий тадбирларни ўз ичига олган ҳолда бозор иқтисоди шароитида янги ер муносабатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон давлатининг ҳозирги даврдаги чегараси ҳудудида ер-сув ислохоти

1925-1927 йилларда амалга оширилган бўлиб ўз даврида ер муносабатларида жуда катта туб ўзгаришларга олиб келган.

Ер ислохотини ўтказишнинг мақсад ва вазифаси, мазмуни «Ер кодекси» мулкчилик, ижара, давлат корхонаси, фермер, деҳқон хўжалиги ва бошқа қонунлар билан белгиланади. Ер ислохотининг умумий йўналиши деҳқонда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш ва уни ўз меҳнат самарасидан манфаатдор бўлишига асосланган бўлиб, давлат, хусусий ва бошқа турдаги ер - мулк салоҳиятига бўлган эгаларни шакллантиришга олиб боради.

Миллий хўжалик тармоқларининг мустақилликгача бўлган даврдаги ер мулк салоҳиятига бўлган сифат ва миқдорий талаблари ҳамда улар эгалланган майдонлар ҳозирги давр талабига умуман жавоб бера олмайдиган ҳолатга келган.

Бугунги кунда (1996 йил январ ойи ҳолатига) миллий хўжалик доирасида фаолият кўрсатаётган 18 та вазирлик, 13 та давлат кўмитаси, 14 та марказий муассасалар, 14 та вазирлар маҳкамаси идоралари, 6 та кооперациялар, 14 та бирлашма, 6 та агентлик, 3 та турли фонд ва 13 та банк тизими, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар маълум даражада ер - мулк салоҳиятини самарали ва замонавий талаб даражасидаги тақсимотини қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилади. Албатта юқорида номлари зикр этилган мулкдорлар тизими ер мулк салоҳияти тақсимотига бевосита ёки билвосита таъсир этиши мумкин.

XX асрнинг 80-йилларининг охирига келиб, ердан фойдаланишга бевосита алоқадор бўлган қишлоқ аҳолисида ерга "очлик" муносабати шаклланганлиги нафақат жамоат ва давлат хўжаликлари еридаги, балки томорқа ерларга бўлган муҳтожлик яққол намоён бўлди. Бу даврга келиб бир деҳқон оиласига тўғри келадиган томорқа ери 8 сотихдан ошмади.

Шаҳарда истиқомат қиладиган аҳолининг атиги 20 фоизига дала ҳовлилари учун ер майдони ажратилган. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан "кучли" бўлган йирик саноат корхоналари ва давлат муассасаларигина ёрдамчи хўжаликлар юритиш ва дам олиш ҳамда даволаниш масканлари учун шаҳар атрофи минтақаларидан ер майдонларига эга эдилар холос. Бу асосан йирик саноат ва вилоят маркази ҳисобланган шаҳарларга хос бўлиб қолган эди.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар мустақил Ўзбекистон Республикасида ер ислохотини ўтказишга асос бўлади. Бу ислохот ер ва табиат ўртасидаги чуқур ўзаро боғлиқлик жараёнини ўз ичига олган ҳолда аҳолининг ҳаётини эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қаратилган деб ҳисоблаш зарур.

Аммо янги ер муносабатларини шакллантириш жараёни мураккаб бўлиб, унда бир нечта тўсиқлар мавжудлигини эътироф этиш керак.

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига риоя этишда миллий хўжаликнинг аграр соҳасида ишлаб чиқаришнинг таъминот, сервис, маиший хизмат, кредит, янги тоифадаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш ҳамда улар ўртасидаги самарали ер тақсимоти муаммоларини ўткирлиги сақланиб қолинмоқда. Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолатлар ҳам туб ижобий ўзгаришларга юз тутиши зарурлиги яққол сезилиб турибди.

Ер муносабатлари доирасида ер майдони бўлаклари, ер улуши ва улардаги ҳуқуқий мезонлар масалалари ҳал этилади. Ер ислохотини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси ер кодекси «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Ер кадастри тўғрисида»ги қонунлари билан белгиланади.

Сиёсий омилларга аҳолининг кенг қатлами томонидан ислохотнинг қўллаб-қувватланиши ва уни амалга оширишига ишонч билдириши, ердан фойдаланувчилар фаоллиги билан давлат тадбирларини изчил амалга оширишга бўлган ташаббуслар киради.

Ўзбекистон Республикасида ер ислохотини ўтказишдан мақсад халқ хўжалик тармоқлари бўйича ер фондининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик талабларини тўла ҳисобга олган ҳолда муқобил тақсимотни таъминлаш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва турли тоифадаги ер эгаликларининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда ерларни муҳофаза қилишни таъминлаш. Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш даврида ер ислохотининг асосий мазмуни бўлиб янги тоифадаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий иқтисодий ва

ташкилий хўжалик тадбирларининг мажмуасидан иборатдир.

Ер ислохотини ўтказишда ҳар бир фуқаро ва жамоа учун ердан фойдаланиш шакллари, шу ерда хўжалик фаолиятини юритиш эркинлиги, ихтиёрийлик ҳуқуқи таъминланади.

Самарасиз фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган ерлар тўғрисидаги ҳужжатлар алоқадор бўлган ердан фойдаланувчилар томонидан кўриб чиқилиб тасдиқлангандан кейин ер тузиш муассасалари бу ерларни махсус ер фондига киритиш учун туман ҳокимиятига малумот беради.

Махсус ер фонди биринчи навбатда фуқароларга деҳқон хўжалигини чорвачилик ёрдамида шахсий хўжалик юритиш, боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланиш учун берилади.

Қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотларини етиштириш мақсадида ер олишда имтиёзли ҳуқуқларга, биринчи навбатда, махсус қишлоқ хўжалиги соҳаси билимларига эга бўлган, шу ҳудудда истиқомат килувчи амалий кўникмаларга эга бўлган фуқаролар эга бўладилар. Ушбу тартиб "Ер кодекси" нинг 21, 23, 24, 30, 31, 32 - моддаларида қайд этилган қоидаларга зид бўлмаганда қўлланилади.

Янги ташкил этиладиган ердан фойдаланувчиларга ер бериш уни тузиш лойиҳасига асосан туман ҳокимияти қарорига кўра амалга оширилади. Қарор қабул қилинган, ер тузиш лойиҳаси жойига кўчирилади ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Давлат қишлоқ хўжалиги ва тажриба синов хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқармаслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат қишлоқ хўжалиги тажриба-таянч, тажриба-синов хўжаликлари илмий тадқиқот муассасаларини хусусийлаштирмайди ва давлат тасарруфидан чиқармайди. Уларда ердан фойдаланувчи ҳуқуқлар тўлиқ сақланади.

Қишлоқ ерларининг ер тузиш тартибига шу қишлоқ учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги барча ерлар киради. Қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли ерларга унинг жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ихтиёридаги ерлар киради. Бу ерлар «Ер кодекси» нинг 12-моддасида белгиланган тартибда қишлоқларга берилади.

Қишлоқлар чегараси фуқаролар йиғини тавсиясига кўра туман ҳокимиятидаги ер тузиш ҳужжатларига асосан белгиланади. Туман ҳокимияти қишлоқ фуқаролар йиғинининг чегарасини белгиловчи режа тузиб беради.

Ердан фойдаланувчи ёки ер олувчи фуқаролар, ташкилотлар, бирлашмалар шу ерлар жойлашган ҳудудлардаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи ва туман ҳокимиятига мурожат қилишлари керак. Ҳужжатлар расмийлаштираётганда ер майдони ҳамда хўжалик фаолияти тўғрисида малумотлар берилади. Маҳаллий ҳокимият вакиллари бир ой муҳлат ичида ер бериш ёки ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги сўровга жавоб беришлари керак.

Ер олиш ёки ҳужжатларни қайта расмийлаштириш муддати ходимлар томонидан асосиз равишда бузилганда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари олдида жавоб берадилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини ва туман ҳокимиятлари сўровларини рўйхатга олади ва Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси муассасаларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқиш учун юборадилар.

Фуқаролар ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунга қадар фуқаролар, ташкилотлар, корхоналар, ширкатлар ва бирлашмалар белгилаган тартибда ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Ушбу ислохотни амалга ошириш маҳаллий ҳокимиятларга, Ўзбекистон Республикасига ва «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси зиммасига юклатилади. Ер ислохоти тартиби ва меъёрлари бузган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунлари олдида жавобгардирлар.

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари, сифати ва ҳажмига бўлган эҳтиёжларини, саноат корхоналарини ҳамда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайта ишлаш ташкилотлари талабларини тўлароқ қондириш учун ер мулк салоҳиятидан янада унумли, тулиқ ва самарали фойдаланиш муаммоларини кўндаланг қилиб қўяди. Ер мулк салоҳиятининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ёки ундан мақсадли фойдаланиш вазифаси умумий муаммонинг бир қисми ҳисобланади.

1.3.Туман ер балансини тузишда геоахборот тизимидан фойдаланиш зарурияти

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ер муносабатларининг тубдан қайта қурилишига, ердан фойдаланишни ҳозирги шароитга мувофиқлаштириш ва бошқаришнинг бозор механизмларини шаклланишида янги бошқарув тизимининг яратилишига олиб келди.

Бундай шароитда ер муносабатларининг объекти, ердан фойдаланувчи субъектлар, ер участкалари билан бўладиган операциялар ҳамда уларнинг қиймат тавсифлари тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган ернинг ҳолати ҳақида тизимланган ахборотларни юритиш, яъни ердан фойдаланишни бошқариш ва мувофиқлаштиришни ахборотли таъминлаш тизими сифатидаги тўлақонли ер кадастрини юритиш зарурияти туғилади.

Аграр соҳа тармоқлари учун ер кадастрининг мақсади ва моҳияти турличадир, чунки улар учун ҳаёт фаолиятнинг функционал муҳити ҳам, уларни бошқаришнинг мақсади ва усуллари ҳам турлича. Бундай фарқ аҳоли пунктлари кадастрида жисмонийдан кўра ҳуқуқий ва фискал (солиқ) ташкил этувчиларга, рўйхатга олиш кўрсаткичларининг турлича таркибига, кадастр хариталарининг мазмунига кўпроқ аҳамият берилишига олиб келади.

Аграр соҳада ер сиёсатини ўтказиш ва ер муносабатларини мувофиқлаштириш учун бошқарувнинг маъмурий органлари таркибида ихтисослашган хизматни яратиш зарур. Унинг асосий функцияси ер ва кўчмас мулк кадастрини юритишдан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган функцияларни қишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш жараёнида юзага келадиган катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва тизимлаш туман ер кадастрининг автоматлашган ахборотлар тизимини яратишни талаб қилади. Туман ер балансини тузишни автоматлаштиришга ҳамда ер ва кўчмас мулк муносабатларини иқтисодий-ҳуқуқий мувофиқлаштириш жараёнларини ахборотли таъминлашга мўлжалланган. Қарорлар қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат этишни ахборотли таъминлаш жараёнини автоматлаштириш

асосида ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ушбу тизимни яратиш лозимлигини билдиради.

Юқоридагиларни амалга ошириш ўз навбатида ер ва кўчмас мулк тўғрисида автоматлаштирилган маълумотлар банкни яратиш билан узвий боғлиқдир, чунки ер участкалари ер кадастрининг объекти ҳисобланади. Ривожланган амлакатлар аграр соҳасида ердан фойдаланиш ва кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган рўйхатга олиш ва қайта ишлашга мўлжалланган, давлат аҳамиятига молик ахборотлар тизими яратилмоқда ёки такомиллаштирилмоқда. Бундай йирик миқёсдаги лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишдан асосий мақсад рўйхатга олиш тизимини осонлаштириш тезлаштириш, ишончилигини ошириш, ердан фойдаланиш ва кўчмас мулк иқтисодиёти соҳаларидаги режалаштириш ва бошқарув масалаларига мослаштириш, кўп мақсадли кадастр тизимини яратишдир.

Шунингдек, ер ва кўчмас мулк билан иш олиб борувчи ҳамда шу соҳаларни бошқариш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича турли масалаларни ҳал қилувчи турли даражалардаги маъмурий-хўжалик хизматларини ишончли, кўп қиррали ахборотлар билан таъминлашдан ҳам иборатдир. Швеция дунёда биринчи бўлиб ЭХМ тармоқлари асосида кўчмас мулкларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизимига тўла ўтишни яқунлади. Бу йирик ислохотнинг бошланиши XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Шу даврда юритилаётган кўчмас мулк кадастри мамлакатда 1907 йилдан бери мавжуд бўлган. 60-йилларнинг ўрталарига келиб давлат ушбу мавжуд тизимни эскирган деб ҳисоблади ва компьютер маълумотлар банки асосида ер ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш ҳамда ҳисоб қилишни бутун мамлакат бўйича янги, ягона автоматлаштирилган тизимини яратишни таклиф этди. Бу таклиф 1970 йили Швеция парламенти томонидан маъқулланди ҳамда ушбу тизимни яратишга доир экспериментал лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1972-1976 йиллари шундай тизим яратилди ва 40 мингта кўчмас мулк эгаларидан иборат бўлган чегараланган ҳудудда қўлланилди. Бу ишнинг натижалари тўла қониқарли деб тан олинди ва мамлакат парламенти 2001 йилдан 2010 йилгача янги тизимни бутун мамлакат миқёсида қўллаш тўғрисида махсус қонунчилик қарорини қабул қилди.

Бутун мамлакат миқёсида бундай қайта ташкил этишнинг ўзаро келишилган жараёни компьютер технологиясига ўтишнинг иккита асосий муаммосидан биттасини ташкил қилган. Иккинчи муаммо бу ахборотлар билан таъминлашнинг янги тамойиллари ва турли-туман фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш билан кадастр тизимини ер ресурслари тўғрисидаги автоматлаштирилган маълумотлар банки сифатида қайта ташкил этишдир.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳозирги кунда “ер баланси” базасини яратишда автоматлаштирилган тизимга ўтиш бўйича махсус илмий ишлар бошлаб юборилган. Бу йўналишда ер участкаларига бўлган турли ҳуқуқларни рўйхатга олиш иши билан шуғулланадиган барча ташкилотлар учун автоматлаштирилган рўйхатга олиш дастури яратилди. Бажариладиган бу иш республикада ҳам ер ва кўчмас мулк тўғрисида автоматлаштирилган маълумотлар банкени яратишнинг дастлабки қадамлари бўлди.

“Ер баланси” базасида кўчмас мулкларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизими Швеция, Австрия, Дания, Швецария, Канада, Германия ва бошқа давлатларда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда мавжуддир. Бу тизим умумлашган ҳолда қуйидагиларга мўлжалланганлигини эътироф этамиз:

- ердан фойдаланиш, бошқариш, режалаштиришни назорат қилишга;
- кадастр ёзувларидаги ҳуқуқий статусни тезкор рўйхатга олишга;
- барча манфаатдор ташкилотларнинг ер кадастри маълумотларига тезкор етказишга қаратилган.

Автоматлаштирилган тизимни яратиш учун ахборотли асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

- хариташунослик материаллари;
- изоҳли реестрлар кўринишидаги матнли ахборотлар;
- параметрик маълумотларнинг сонли қийматлари.

Масалан, Норвегиянинг автоматлаштирилган тизими учта реестрдан ташкил топган ҳолда жорий этилган:

- ер эгаликларининг реестри маҳаллий назорат ташкилотлари томонидан тузилган ва маҳаллий судлов муассасаларида рўйхатга олинган мавжуд ер участкалари тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олади;
- манзиллар реестри-марказий статистика бюроси томонидан шакллантирилган;
- бинолар реестри солиқ органлари томонидан юритилади ҳамда у барча бинолар тўғрисидаги маълумотларни ва улар бўйича экспликацияни ўз ичига олади.

Данияда ҳуқуқий ер муносабатлари маҳаллий суд органлари томонидан рўйхатга олинади ва назорат қилинади. Шу билан бир қаторда автоматлаштирилган ер кадастрининг марказий давлат хизмати фаолият кўрсатади. Ер тузиш бўйича иш бажарувчи барча давлат ва хусусий ташкилотлар ер кадастрини юритишда ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида кўрсатилган хизматларни мажбурий тартибда маълум ахборотларни берадилар. Марказлашган кадастрда фақатгина ер объектларини юридик ва жисмоний шахслар, бино ва иншоотлар реестрларини бошқа хизматлар тизимга келтирадилар. Зарурият туғилган ҳолларда ушбу реестрлардан маълумотлар сўровнома асосида олинishi мумкин.

Барча кўриб ўтилган автоматлаштирилган тизимлар ердан фойдаланиш, ер мулкларини сотиш ва уй-жой қуриш, ер мулкларга солиқларни меъёрлаш, янги ер эгаликлари ва ер мулкларини сотиш тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади.

Юқорида кайд қилинган қатор мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида Ўзбекистонда ҳам айнан шундай тизимни вужудга келтириш ер ва кўчмас мулк объектларини оқилона шакллантиришда муҳим омил бўлади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратишда энг аввало, автоматлаштирилган функцияларни тўғри изоҳлаш муҳим.

Ташкилий таркиб, ер тузиш ва ер муносабатлари бошқармаси томонидан тадбиқ қилинаётган ишлар рўйхати, туманнинг бошқа бошқарув органлари ва ташкилотлари билан маъмурий алоқалар автоматлаштирилган ахборотлар тизими таркибини аниқлайди. Автоматлаштиришнинг умумий рўйхатидан қуйидаги функцияларни алоҳида ажратиш мақсадида мувофиқдир: ер участкаларини

захиралаш; ер участкасига бўлган мулк турларини аниқлаш; ер ажратиш; йиғма ер кадастрини юритиш; ерларни йўқлама қилиш; ер майдонларини иқтисодий баҳолаш; аҳоли пунктлари ерларининг мониторинги; ердан фойдаланишнинг давлат назорати.

Юқорида қайд қилинган функцияларни автоматлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ахборотлар тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур бўлади:

- ердан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги параметрик ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ҳуқуқ субъектлари тўғрисидаги, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги ахборотларнинг киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ер участкаси бўйича график ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- автоматлаштирилган давлат ер кадастрини юритишни;
- ер учун тўловларни келиб тушишини назорат қилишни;
- аҳоли пунктлари чегарасидаги ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилишни.

Автоматлаштирилган ахборотлар тизими қатор функционал ва сервис кичик тизимлардан ташкил топган бўлиши зарур. Бундай кичик тизимларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Маълумотномалар ва классификаторларни; маълумотларни архивлашни; ахборотни ҳимоялаш ва ушбу ахборотларга етишиш йўлларини чегаралашни; тизимни маъмурийлашни.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ерларининг кадастри – бу соҳадаги ер участкаларининг ҳуқуқий режими, уларни ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилари ўртасидаги тақсимоли тўғрисидаги; сифат (техник) тавсифи ва аҳоли пункти ерларининг қиймати тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидир. Шундай экан, қишлоқ хўжалик ерлари кадастрини-ер ахборот тизимини яратиш ҳар бир фойдаланувчида ўрнатиладиган автоматлаштирилган иш жойини ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда тутди. Ўрнатиладиган автоматлаштирилган иш жойидан фойдаланиш жараёнида ҳам алоҳида (локал) тарздаги маълумотлар базаси ҳамда қишлоқ хўжалиқ ерлари кадастрининг ягона маълумотлар базаси шаклланади.

Автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратишда асосий масалаларидан бири тизимни ахборотлар, маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Кириш ва чиқиш ахборотлари. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимининг кириш ахборотлари ердан фойдаланишни рўйхат қилишда ҳамда ундан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига оид расмийлаштириладиган ҳужжатлар ҳамда қўшни ахборотлар тизимидан кадастр марказига келиб тушадиган, қоғозлардаги ёки машинадаги маълумотлар тўпламидан иборат бўлади.

Маълумотлар таркибининг изоҳи. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимининг ҳар бири алоҳида ажратилган кичик тизими ҳам геометрик, ҳам график ахборотларни ташкил этади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизими ахборотларини шакллантирадиган параметрик маълумотлар тизимининг кириш ахборотларини, умумдавлат ва маҳаллий маълумотномалар классификаторларни ҳамда локал маълумотларни танлашни ўз ичига олади.

“Ер баланси” тизимини ҳаётга тадбиқ қилиш, геоахборот тизимидан фойдаланишда зарур бўладиган талаблар билан аниқланади, яъни у ер ресурси матн маълумотларини ўзида мужассамлаштирган график кўринишда бўлиши зарур. График кўриниш ушбу моделни экранда исталган нуқтасини кўрсатгани ҳолда координаталарини аниқлаш имкониятига эга бўлиш билан текислик ва кенглик модел кўринишларида тадбиқ қилиниши мумкин.

Моделга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: моделнинг экранда ёритилган исталган нуқтаси координаталарга боғланган бўлиши зарур; турли ахборотлар бўйича сонли маълумотларни исталган берилган нуқтага боғлаш мумкин бўлсин.

Ерларни йўқлама қилиш ер балансини тузиш билан бир вақтнинг ичида бажариладиган тадбир бўлиб, унда ҳар қайси хўжалик бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

- қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони тўғрисида аниқ маълумотлар олиш ва уларни план-харита асосида кўрсатиш;
- тупроқ кузатув ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
- ер устини текислаш, коллектор-зовур ва суғориш тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун зарур бўлган майдонларни аниқлаш.

Туман ер балансига маълумотларни янгилаш мақсадида ерларни йўқлама

қилиш ишлари натижаларини умумлаштириш ва тасдиқлаш мақсадида вилоят ҳокимияти топшириғига биноан туман ва вилоят ҳокимиятлари қошида махсус хайъатлар ташкил қилинади. Вилоят бўйича тузиладиган хайъат таркибига қуйидагилар киради:

- қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (хайъат раиси);
- сув тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармасининг бошлиғи;
- ҳокимият қошидаги ер ресурсларини ҳудудий бошқармасининг бошлиғи;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси;
- статистика бошқармасининг бошлиғи;
- “Ўздаверлойиха” институтининг вилоят бўлинмасининг директори ёки бўлим бошлиқлари.

Туманда тузиладиган хайъат таркибига қуйидагилар киритилади:

- туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (хайъат раиси)
- туман суғориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи;
- туман ҳокимиятидаги ер тузиш хизматининг бошлиғи;
- “Ўздаверлойиха” институтининг вилоят бўлинмасининг етакчи мутахассиси.

Ерларни йўқлама қилиш "Ўздаверлойиха" илмий-лойиҳалаш институтининг туман ер тузувчи мутахассиси томонидан хўжалик ер-тузувчи инженери, гидро-техниги, хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарилади. Ерларни йўқлама қилиш асосан 1:10000 масштабдаги план-хариталар асосида амалга оширилади. Айрим майдонлар учун план-хариталар бўлмаса, улар янгидан тайёрланган ҳолда амалга оширилади. Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари қуйидаги босқичларда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;
- дала ишлари;
- майдонларни аниқлаш ва қайдномаларни тузиш;
- расмийлаштириш ва ҳужжатларни кўпайтириш;
- йўқлама қилиш ишларини кўриб чиқиш.

1-Бобга илова

Ер балансининг объекти туман ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаётгани ёки йўқми, булардан қатъий назар, ушбу туман ер фондига кирувчи барча ерлар ҳисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, туман ер фондининг барча майдонларини ер ҳисоби ҳамма ерларни қамраб олиши керак, бу эса ўз навбатида, умумий майдонни, уни ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ер балансини ўтказишда имкони борича қамроқ харажат талаб қиладиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг анчагина такомиллашган усуллари қўллаш мамлакат ягона ер фонди ҳисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин бўлади.

Туман ер балансини тузишни автоматлаштиришга ҳамда ер ва кўчмас мулк муносабатларини иқтисодий-ҳуқуқий мувофиқлаштириш жараёнларини ахборотли таъминлашга мўлжалланган. Қарорлар қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат этишни ахборотли таъминлаш жараёнини автоматлаштириш асосида ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ушбу тизимни яратиш лозимлигини билдиради.

2-БОБ Тошкент вилояти Қибрай туманида ер балансини тузишда замонавий технологияларни қўллаш


2.1 Тошкент вилояти ва Қибрай тумани ҳақида умумий маълумот

Тошкент вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган бўлиб, Республиканинг шимоли – шарқида жойлашган. Унинг умумий ер майдони –15,26 минг кв.км. дан иборат.

Тошкент вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ғарбий Тян – Шон тоғ ва тоғ олди қисмларини эгаллайди. Чотқол, Қурама, Пском, Угом тоғларининг чекка қисми ва бошқа бир қатор майда тоғ тизмаларидан иборат бўлган тоғ мажмуасини ташкил этади.

Тошкент вилоятининг таркибида 18 та ҳудуд бўлиб, шундан 4 та шаҳар ва 14 туманлар мавжуд. Туман ва шаҳарларнинг ташкил топган йиллар куйидагичадир (Ангрен шаҳри – 13.06.1946 йил, Бекобод шаҳри – 07.05.1945 йил, Олмалиқ шаҳри – 10.07.1951 йил, Чирчиқ шаҳри – 27.04.1935 йил, Оққўрғон тумани – 28.07.1935 йил, Оҳангарон тумани – 29.09.1926 йил, (2011 йил 1 феврал ҳолатига Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон тумани бирлашган), Бекобод тумани – 29.09.1926 йил, Бўстонлик тумани – 19.04.1955 йил, Бўка тумани – 18.05.1943 йил, Зангиота тумани – 01.12.1933 йил, (2010 йил 1 октябр ҳолатига Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани бирлашган), 01.12.1933 йилда Қибрай тумани, 29.09.1926 йилда, Қуйи Чирчиқ тумани, 29.09.1926 йилда Паркент тумани, 29.09.1926 йилда Пискент тумани, 29.09.1926 йилда Ўрта Чирчиқ тумани, 09.02.1935 йилда Чиноз тумани, 29.09.1926 йилда Юқори Чирчиқ тумани, 29.09.1926 йилда Янгийўл тумани (2011 йил 1 феврал ҳолатига Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани бирлашган). Тошкент вилоятида 2011 йил 1 январ ҳолатига жами 3127 та саноат корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, фаолият юритаётгани 2800 тани ташкил қилади. Тошкент вилоятида 98 та йирик саноат корхонадари фаолият юримоқда. Тошкент вилояти ҳудудида фаолият юритаётган ташкилотларнинг мамлакатимизда ўзининг улкан салоҳияти билан ажралиб турадиган бир неча йирик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир: “Олмалиқ тоғ металлургия комбинати” ОАЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АИЧБ, “Максам Чирчиқ” ОАЖ, “Аммофос - Максам”

ОАЖ, “Спентекс Тўйтепа текстил” ҚҚ, “Бекободцемент” ОАЖ, “Ўзбеккўмир” ОАЖ ва Оҳангароншифер” очик акциядорлик жамиятлари.



2.1-расм. Тошкент вилоятининг схематик-харитаси

Қибрай тумани – Тошкент вилоятидаги туман ҳисобланиб, 1933 йилнинг 1 декабрида ташкил топган. 1962 йил 24 декабрда Калинин (ҳозирги Зангиота) тумани билан бирлаштирилган. 1964 йил 31 декабрда қайтадан тузилган.

1933 – 1991 йилларда Оржоникидзе тумани. Жанубий- ғарбдан Тошкент шаҳар билан, жанубдан Юқори Чирчиқ билан, шарқдан Бўстонлик билан, ғарбдан Тошкент тумани ҳамда шимолдан Қозоғистон Республикаси билан чегарадошдир. Майдони – 0,56 минг км² ни ташкил қилади.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шаҳарча 1973 йилдан туман маркази деб юритилган. Тошкент шимолдан 18 км. Шимолий – шарқдан 10 км. ни ташкил этади. Аҳолиси асосан, ўзбеклар, шунингдек қозоқ, рус, тожик, татар ва бошқа миллатлар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 285 киши. Шаҳар аҳолиси 38,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 120,9 минг кишини, жами аҳолиси – 159,6 минг кишини ташкил этади (2004). Маҳаллий ривоятларга кўра, “Қибрай” (қадимда “Қибрай” номи қадимги туркий қабила номидан келиб чиққан.

Қибрай туманида саноат қурилиш ташкилотлари, кичик ўрта бизнес, йирик корхоналари ва микрофирмалар, кўшма корхоналар, Шредер номидаги илмий – ишлаб чиқариш бирлашмасининг токчилик ва виночилик филиаллари, автокорхона, деҳқон бозорлари, умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, лицей, касб – ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ҳамда маданият уйлари мавжуд. Мустақиллик майдони, ўқув–спорт клуби, стадион, сузиш ҳавзаслар мавжуд. Шаҳар ўртасида хотира монументи ўрнатилган. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, марказий дорихона, туғруқхона мажмуи ва бошқа тиббий муассасалар бор. Шаҳарча яқинида бир қанча санатория ва дам олиш уйлари (шу жумладан, “Ботаника”, “Бўстон”, “Умид гулшани”, “Қибрай”, “Навбахор”, “Энергетик” ва бошқа) фаолият кўрсатмоқда. Қибрайдан Тошкент шаҳригача автобус ва маршрутли таксилар катнови йўлга қўйилган. Тошкент – Хўжакент электр поезда Қибрай ёнидан ўтади. Туманда 2 та шаҳарча мавжуд бўлиб, улар Қибрай ва Салорлардир, қишлоқ фуқаролари йиғинларини Байтқўрғон, Ёнарик, Май, Матқобулов, Оққовоқ, Тузел, Чинобод, Янгиобод, Ўнкўрғон, Қизилтут, Қипчоқлар ташкил этади. Туман маркази – Қибрай шаҳарчаси ҳисобланади.

Табиати. Қибрай туман Тошкент вилоятининг шимол ва шимолий – шарқда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган бўлиб, рельефининг шимолий – шарқий қисми қир ва адирликлардан иборатдир. Ер юзасининг шимолий – шарқи томон

баландлашиб боради. Ўртача баландлиги 300 – 400 метрни ташкил қилади. Жанубий томонидан Чирчиқ дарёси, шимолдан Бўзсув, Зах ва Хоним каналлари, ўрта қисмидан Катта Қорасув канали оқиб ўтади. Чирчиқ дарёсининг ҳозирги ва қадимий ирмоқлари, Бўзсув, Захарик каналлари жарликлар ҳосил қилган. Баъзи жарликларнинг чуқурлиги (Бўзсувда) бир неча ўн метрга етади.

Тупроқлари. Асосан бўз тупроқлар бўлиб, иклими – континентал. Июлнинг ўртача температураси 27-29С°, январники – 2С°. Ёзда энг юқори температура 41 – 42С° га етади, январда энг паст температура- 29С°. Вегетация даври 210 – 220 кун. Йиллик ёғин миқдори 300 – 400 мм. ни ташкил этади.

Ёввойи ўсимликлардан – туранғил, терак, жийда, дўлана, тол, юлғун, қамиш, янтоқ ва бошқалар мавжуддир. Баҳорда ранг (қорабош), шайтонковуш, лола ва лолақизғалдоқлар Чирчиқ дарёсининг қайирларида ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан – қуён, сув каламуши, сичқон, ғоз, ўрдак қирғовул, лойхўрак, сўфитўрғай, сув илонлар, ондатралар мавжуд.

Географик жойланиши ва рельефи Тадқиқотлар олиб борилган объект Тошкент вилояти Қибрай туманида Чирчиқ дарёсининг ўрта оқими III – терассида жойлашган. Рельефи, эрозияланганлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича Тошкент олди районига хосдир. Бу район кичик баланд – пастликларга эга, ҳудуднинг жанубий – ғарбий қисмини эгаллаган бўлиб, нисбий баландлиги кам ўзгарувчи кенг тўлқинсимон майдондан иборат.

Тепаликлар анча чўзиқ бўлиб, ғарбга томон умумий нишабликка эгадир. Дўнгликлар – тепаликлар рельеф энг муҳим элементлардан ҳисобланади. Турли томонга тармоқланган ёнбағирлар 150 – 200 метргача чўзилиб, уларнинг нишаблиги 1 – 3 градус, баъзи жойларда 5 – градусни ташкил этади.

Тектоник жараёнлар ва тоғ ҳосил бўлиши таъсирида жойнинг ҳозирги рельефи шаклланган, қатор – қатор тепаликлар, дўнгликлар ва улар орасида жарсимон пастликлар юзага келган. Пастликларда қуриб қолаётган сой ўзанлари ва ташламалар тармоғи мавжуд. Эрозия жараёни эса нураш маҳсулотларини тепаликлар оралиғидаги пастликларга кўчирган.

Маълумки, типик бўз тупроқлар жойлашган ҳудуд асосан рельефи нотекис паст – баланд қиялик адирли майдонлардан иборат, бундай ерларда жала ёмғирлар, нотўғри жўяклаб суғориш натижасида эрозия емирилиш вужудга келади. Ёнбағир тиклиги ва узунлиги ошиб борган сари, одатда, оқиб тушаётган сув оқимининг тезлиги кучаяди, шунга боғлиқ ҳолда тупроқ ювилиб ҳамда оқизиб кетилиши ҳам жадаллашади. Жумладан, Х.М.Махсудовнинг (1981, 1989) маълумотларига кўра, ёнбағир тиклиги ошган сари, тупроқнинг емирилганлик даражаси ҳам ошади. Агар қиялик тиклиги 1 – 2 градусгача бўлган ерларда асосан, ювилмаган ёки (кам) суст ювилган тупроқлар тарқалган бўлса, қиялиги 2 градус – 3 градусгача бўлган қияликларда ўртача емирилган, қиялиги 4 – 5 градус ва ундан юқори бўлган қияликларда асосан, кучли эрозияланган типик бўз тупроқлар учрайди.

Рельеф ер юзасида иссиқлик ва намликнинг тақсимланишига тупроқ ва заминнинг ювилиши жадаллиги салмоқли таъсир кўрсатади.

TOSHKENT VILOYAT IQTISODIY KARTA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA
TOSHKENT VILOYATINING
SALMOG'I
(foiz hisobida)




QISHLOQ XO'JALIGI VA SANOATI
YALPI MAHSULOTLARI HAJMI



KENG TARQALGAN RAYONLAR

- bag'lar
- uzumzorlar
- sabzovot va kartoshka
- shoi
- yong'oqzorlar
- pista
- beda
- tamaki
- o'rmonlar



Asosiy sanoat tarmoqlari:

qora va rangli metallurgiya, mashinasozlik va metallni qayta ishlash, kimyo, qurilish materiallari, yengil (paxta tozalash), oziq-ovqat

Qishloq xo'jaligining asosiy tarmoqlari:
donchilik, kanop, sabzavotchilik, bog'dorchilik, uzumchilik, go'sht-sut chorvachiligi, parrandachilik, ipakchilik

SHAHAR VA QISHLOQ
AHOLISINING SONI
(foiz hisobida)



ISHLOV BERUVCHI SANOAT

Yalpi mahsulot hajmi bo'yicha sanoat punktlari



Sanoat tarmoqlari

- yoqilg'i sanoati
- qora metallurgiya
- rangli metallurgiya
- mashinasozlik va metallni qayta ishlash
- kimyo
- qurilish materiallari
- yengil
- paxta tozalash
- oziq-ovqat
- boshqa tarmoqlar

UNDIRUVCHI SANOAT

- qo'ng'ir ko'mir
- mis rudalari
- oltin
- flyuorit (dala shpati)
- ohaktosh
- marmar
- granit
- qum-shag'al materiallari
- g'isht-cherепitsа xom ashyosi
- kaolin (tuproq)
- sement xom ashyosi
- mineral suv buloqlari
- Issiqlik elektrostansiyalari
- Gidroelektrostansiyalari
- Elektr uzatkich liniyalari
- Gaz quvurlari

MASSHTAB 1 : 1 300 000

2-расм. Тошкент вилояти иқтисодий харитаси

Геология ва геоморфологияси Худуднинг геологик тузилишида Чирчиқ дарёси ҳосил қилган биринчи, иккинчи ва учинчи аллювиал пиллапоялар ҳамда вақтинча оқадиган мавсумий сойлар ҳосил қилган пролювиал ётқизиклардан иборат. Бу ётқизиклар турли қалинликдаги шағал, кум, чанг ва лой заррачалардан ташкил топган. Уларнинг қалинлиги рельефга боғлиқ бўлиб, бир неча см. дан тортиб то бир неча метргача етиши мумкин.

Аллювиал ва пролювиал ётқизиклар тўртламчи даврда ҳосил бўлиб, ерларнинг устки қатламини соз ва созсимон (лёсс ва лёссимон) ётқизиклар ташкил қилади. Соз ётқизиклар енгил, ўрта, оғир кумоқли механик таркибга эга бўлиб, заррачаларнинг асосий қисми чанг ва лой қолдиқларидан иборатдир. Уларнинг таркибида чанг заррачалари 40 – 50 фоиз, лой заррачалари эса 20 – 30 фоизни ташкил этади. Бу тоифадаги ётқизиклар кулранг, серғовакли бўлиб, уларнинг миқдори 50–60 фоизни ташкил этади. Соз ётқизиклар майда, донадор микро ва макроғоваклардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибида карбонат бирикмалари, органик моддалар, минерал майда заррачалар билан эгалланган. Майда ғоваклар ва ёриқларнинг атрофида яъни деворларида кальций ва карбонатли тузлар мавжуд. Тўртламчи давр қатламларининг остки қисми неоген, полеоген даврга мансуб бўлиб, кумтош, шағал, кум ётқизиклар ташкил қилади.

Тошкент вилоятидаги типик бўз тупроқлар ғарбий Чотқол, Қоржонтов тоғ ён бағирлари – тоғ олди зоналаридаги паст – текислик, қирадирлик манбалардан иборат. Типик бўз тупроқлар Чирчиқ ва Ангрэн дарёларнинг V – IV ва III – террасаларидаги лёсс ва лёссимон ётқизикларда ривожлангандир. Ушбу худудни геологик – геоморфологик тузилиши турли йилларда М.М.Толстихин, А.П.Марковскийлар томонидан ўрнатилган. Геологик – геоморфологик шароитига кўра, Тошкент вилояти худудида ҳар хил олди зоналари тупроқлари ҳавзани юқори қисмлари тўқ тусли, ўрта қисмларида типик бўз тупроқлари бўлиб, суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш учун қулайдир.

Тошкент вилояти худудларида қуйидаги йирик геоморфологик районлар: баланд тоғлар, ўртача баланликлардаги тоғлар, тоғ олди қир адирлар, тоғлар ва паст тоғлар, тоғ олди текисликлари ҳамда дарёларнинг пастки ва юқори террасалари

ажратилади (Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари Атласи, 2010).

Тошкент вилояти Чирчиқ – Оҳангарон дарёлари ҳавзасида таркиб топган вилоят ҳудудида: оч тусли қўнғир, оч қўнғир ўтлоқи чўл, жигарранг, қўнғир тоғ – ўрмон, тўқ тусли ва типик бўз, ўтлоқи – бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи ва ботқоқ – ўтлоқи тупроқлари тарқалган. Суғорма деҳқончиликда жигарранг тупроқлар, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар, типик ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида – ўтлоқи – бўз, бўз – ўтлоқи, ўтлоқи ва ботқоқ – ўтлоқи тупроқлардан фойдаланилади. Лалми деҳқончиликка тоғ жигарранг тупроқлари, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар жалб қилинган.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар лёссли тоғ олди текисликларининг паст – баланд қирадирлар тизма қаторлари ҳудудларида шунингдек, пролювиал – делювиал лёссимон, кам ҳолатларда склетли – талқон тупроқ ётқизикларидаги Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен ва Геджиген дарёларининг юқори қисмларида тарқалган. Механик таркибига кўра, тупроқлар оғир ва ўрта кумлоқлардан, айрим жойларда шағал аралашган кумлоқлардан иборат. Суғориладиган типик бўз тупроқлари кесими (профил) унинг устки қисми, қатлам қалинлиги 0,5 – 1 м га тенг бўлган агроирригацион қатламлардан шаклланган. Улар нисбатан бир хил тузилишга эга эканлиги, устки кумлоқли қатлам ер қазувчи ҳашоратлар билан қайта ишланганлиги, юқори ғоваклиги ва сув ўтказувчанлиги шунингдек, юқори биологик фаоллиги билан ажралиб туради (Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари Атласи, 2010).

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг аксарият қисми лёсслар устида пайдо бўлган. Суғориладиган типик бўз тупроқлар қадимдан суғорилиб келинаётган ерлар ҳисобланади. Тошкент вилояти Чирчиқ воҳасидаги суғориладиган типик бўз тупроқли ерлар агроирригацион келтирмаларнинг камлиги, ҳайдалма қатламда гумуснинг камлиги натижасида, унинг оч тусда эканлиги, бу қатламнинг кўпроқ чанг заррачаларга эгалиги, карбонатли ҳамда гипсли қатламларнинг яхши ифодаланмаганлиги ва чуқурда жойлашганлиги билан фарқ қилади.

Эскидан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқларнинг морфологик жиҳатдан яққол кўриниб турган қалинлиги 50 – 100 см. гача бўлган агроирригацион

қатлами билан характерланади.

Объектнинг тупроқ пайдо қилувчи она жинси ўлчами давр қизғиш рангли “неоген” ётқизикларида шаклланган тупроқлардир. Бу ётқизиклар юқори сув ўтказувчанлиги ва намликни ушлаб тура олиши билан характерланади.

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар иқлим шароити Тошкент метеорологик станциясини олиб борган кузатишларига асосан, тоғ олди зонасига оид шароитлар билан характерланади. Бунда асосан, ўртача кўп йиллик атмосфера ёғинлари миқдори 300 – 350 мм эканлиги айtilган.

Тупроқ пайдо бўлишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири – иқлим шароити ҳисобланади. Бу омил ўсимликлар қопламанинг зонал тарқалиши ва тупроқдаги биологик жараёнлар энергиясига боғлиқ. Иқлим кўрсаткичи ҳисобланган ҳарорат ва атмосфера ёғинлари тупроқ пайдо бўлишида бевосита иштирок этиб, тупроқнинг иссиқлик ва сув режимини белгилайди. Аммо муайян майдонлардаги иқлим билан боғлиқ бўлган сув, иссиқлик режими ўсимликлар қоплами таъсирида кескин ўзгаради. Натижада, тупроқнинг ўзига хос гидротермик режими – тупроқ иқлими юзага келади.

Объектнинг иқлими континентал ва қуруқ бўлиб, қиши анча юмшоқ. Январдаги ўртача ҳарорат $-2^{\circ}\text{C} - 5^{\circ}\text{C}$ гача ва июлда $+26^{\circ}\text{C} + 30^{\circ}\text{C}$ га қадар ўзгариб туради. $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори ҳароратли даврнинг давомийлиги 170 – 245 кунни, ҳарорат йиғиндиси $340 - 540^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади (2.1 – жадвал).

2.1 – жадвал

“Тошкент об – ҳавони кузатиш метеорология станцияси” маълумотларига кўра, ўртача ойлик кўрсаткичлари (2010-2011 йй.)

Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ўртача ёғин-сочин, мм	65,9	44,1	61,3	67,4	63,8	2,05	7,4	6,5	0,5	15,4	14,4	21,5
Об-ҳаво ҳарорати	-4,4	6,1	10,7	16,6	19,6	27,5	30,5	25,3	22,0	12,0	9,4	0,5

Совуқ ҳароратли давр октябр ўн кунлигидан бошланиб, баҳордаги сўнги

совуқлар апрел ойининг 22 кунда кузатилади.

Ҳавонинг ҳарорати ўртача кўп йиллик бўйича январ ойида 0 °С бўлса, 2007 йили – 3,9 °С бўлди. Феврал ва март ойларидаги ҳаво ҳарорати ўртача кўп йилликка нисбатан тегишли ҳолда + 2,5 °С га ва + 3,3 °С юқори бўлиб, апрел ва май ойларида эса аксинча + 0,6 °С ва + 1,8 °С паст бўлди. Метеорологик станция маълумотларига кўра, 2007 йилнинг қиш ойларида ҳаво ҳарорати ўртача кўп йиллик ҳаво ҳароратига нисбатан + 1,8 °С юқори, баҳор ойлари ҳарорати 10,5 °С, ёз ойлари 8,0 °С га, куз ойлари ҳаво ҳарорати эса 1,9 °С юқори бўлган.

Ҳудудда илк совуқ кунлар октябр ойининг учинчи ўн кунлигида, сўнги совуқлар эса апрел ойининг 22 – 25 саналарига кузатилади. 2011 – 2012 йиллар учун ҳаво ҳарорат ва ёғин – сочинлар миқдорининг таҳлили куйидагича:

- энг совуқ ҳарорат январ ойида кузатилган (– 4,3 °С);
- энг иссиқ ой сифатида июл эътироф этилган (+30,5 °С);
- экинлар уруғи экиладиган ой – апрелда ҳарорат +16,6 °С ни ташкил қилган;
- энг кўп ёғин – сочин апрел ойида (67,4мм) кузатилган;
- икки йилда ўртача – 370,2 мм ёғин – сочин бўлиши аниқланган.

Ёғинларнинг кўп бўлиши, ўртача ҳаво намлигини юқори бўлишига олиб келади. 2012 йил апрел ойининг учинчи ўн кунлигида ва май ойининг биринчи ўн кунлигида сурункасига 7 – 8 кун ёққан ёмғир ҳисобига об–ҳаво намлиги кўрсаткичлари бошқа йиллардагига нисбатан юқори бўлган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда инсоний фаолияти тупроқ ҳосил бўлишига жуда катта таъсир этади. Ўт далали алмашлаб экиш, дарахт ўтқазиш, ерни ишлаш ва ўғитлаш, суғориш, колматаж, ернинг заҳини кетказиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларнинг ҳаммаси тупроқнинг ривожланишига ва унинг асосий хусусиятларига катта таъсир кўрсатади.

Инсонларни тупроққа актив таъсир кўрсатиши натижасида, унинг хосса – хусусиятларини ўзгариши, унумдорлигини ошиши, шўрланиши, эрозияланиши, бегумификация ва экологик ҳолатлар бузилиши кузатилади.

Кўриқ ерларни ўзлаштириш, ўғитлаш, зовур қазиб тупроқ заҳини кетказиш, шўрини ювиш натижасида, тупроқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Унумсиз

шўрхоқ тупроқлар, ботқоқлар ва бошқа шу сингари фойдаланиш қийин бўлган ерлар инсоннинг меҳнати туфайли ўз сифатини яхшилади ва унумдор тупроқларга айланади.

Табиий шароитда ҳаммаси бўлиб ёғин – сочин сувларидан 100 мм. дан 400 мм. гача сув оладиган ерлар, сунъий суғориш натижасида 4 – 5 марта кўп намланади. Суғориш тупроқларнинг табиатини бутунлай ўзгартириб юборади; унинг генетик қатламлари ўзгаради, биологик жараёнлари бир неча марта кучаяди. Сув билан оқиб келган лойқаларни чўкишидан янги агроирригацион қатлам пайдо бўлади.

2.2 Туманда илғор компьютер дастурий воситаларини қўллаш

Хозирги кунда компьютер технологиялари, электрон ҳисоблаш машиналари инсон хўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бундай технологияларни амалиётга жорий қилмай туриб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Хар бир сохани автоматлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Чунки сохага бундай ёндашув аввало, инсон меҳнатини енгиллаштиради, бошқарувни тез ва барқарор бўлишини таъминлайди, давлат ҳамда инсонлар манфаатини химоялайди, ривожланишни изчил боришида имкониятлар яратади. Буни моҳиятини чуқур хис этган ҳолда ер кадастри соҳасида ҳам иш жараёнини автоматлашган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ер балансининг автоматлашган тизимини яратиш республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқариш, асраб авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини химоя қилишда, ҳамда сохада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта аҳамият касб этади. “Ер баланси” -ер ресурслари, ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизимидир.

“Ер баланси” ер кадастрининг геоахборот тизимларига (ГАТ) асосланган бўлади. Баъзи ҳолларда бу иккала тизимнинг ўртасидаги фарқи деярли сезилмай қолади. Чунки “Ер баланси” ва ГАТ ташкил қилиниш тамойиллари, мазмун ва

мохияти билан бир бирига ўхшаб кетади. Бу икки тизим бири бирини ўзаро тўлдириб келади.

Сохада автоматлашган тизимга ўтмай туриб, ГАТ ни яратиб бўлмади.

“Ер баланси” ни ташкил этиш тамойиллари:

- республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш;
- марказлашган бошқарув;
- ер кадастри ахборотлари тақдимоти ва қайта ишлашнинг ягоналиги;
- жойларда амалиётда ягона координаталар ва топоасосларни қўллаш;
- замонавий геоахборот тизимларининг технологияларидан фойдаланишдан иборат.

Ер ресурсларини бошқариш ва ер кадастрини амалга оширишнинг анъанавий кўринишидан автоматлашган кўринишга ўтишида ўз олдида бир неча асосий талабларни қўяди:

- мавжуд тизимда ҳудудий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ўзаро бўлинган ва тарқоқ ҳолда эди, бу ўз навбатида бошқарув жараёнида талайгина қийинчиликлар тугдиради. Шунинг хисобга олган ҳолда, бошқарувда тизимли ёндашувни зарурийлик талаблари;

- талайгина кадастр ахборот (чизма ва атрибут маълумотлар)ни муфассал равишда қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлаш талаби;

- иш жараёнини ташкил этишда компьютер технологияларига қўйиладиган талаблар ва хоказо.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш ишлари билан ўзининг таркибий бўлинмаларига эга бўлган мустақил идоралар шугулланади. Булар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш суст бўлиб, давлат ер кадастри автоматлашган тизимини яратишда ва уни замонавийлаштиришда қийинчиликлар тугдиради. Бундай ҳолат кадастр ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларини ташкил этишда тизимли ёндашув зарурийлигини кўрсатади. Бунга эса сохани автоматлаштириш орқали эришиш мумкин. Шундай қилиб, ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини амалиётга жалб этиш объектларнинг табиий,

хўжалик, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тақдим этиш жараёнларини тезлаштириб истеъмолчиларни тезкор-ишончли ахборотлар билан таъминлайди ва турли харажатларни камайтиради.

ГАТ деганда, электрон ҳисоблаш техникалари асосида яратиладиган атроф-муҳит тўғрисидаги мавжуд кўп қиррали маълумотлар мажмуаси тушунилади (Жалковский, Пянков, 1997).

ГАТ инсон хўжалик фаолиятининг турли қатламларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш учун қулай кўринишда тақдим этишга мўлжалланган. ГАТни ўрганиш бундан 30 йил аввал вужудга келган бўлсада, лекин унинг асосий ривожланиш босқичи сўнгги 7-8 йилга тўғри келди. Бунга сабаб географик маълумотлар негизидаги барча ишлар жараёнини автоматлашган тарзда лойихалашнинг технологик ва гоёвий жихатдан ташкил этилганлигидир.

ГАТни замонавий стандартлаш ва махсус соҳага йўналтириш ишлари картографиянинг анъанавий ташкил этиш талабларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига амалга оширилади. «Геоахборот» география фанлари тизимидан аста-секин мустақкам ўрин эгаллаб бораётган ҳолда, географиянинг объектини асос сифатида ўрганади, яъни табиат ва жамиятдаги геотизимларга асосланади. Лекин бунда у ўзининг восита ва услубларидан фойдаланади. Бу компьютерда моделлаштириш ва геоахборот-рақамли карталар яратишдан иборат (Цветков, 1998).

Автоматлаштириш, тизимлаштириш, маълум бир мақсадга йўналтирилганлик, тезкорлик ва кўп вариантлик кабилар ГАТ карталаштиришнинг асосий хусусиятларидир (Булатова, Трофимов, Панасюк, 1997). ГАТни ташкил этиш нафақат география фанлари тўғрисидаги фикрлар ривожига, балки дастурлашнинг (умум ахамиятли ахборот тизимларини тузиш) ривожига ҳам бевосита боғлиқдир.

Бунда табиийки, ГАТнинг маълумот жихатлари ривожланишда дастурлашга нисбатан бирмунча ортда қолаётган бўлсада, лекин умум ахамиятли географиянинг имкониятларини ривожлантиришда катта ахамият касб этмоқда.

ГАТни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади-замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган тизимларни яратишдан иборат (Булатова, Трафимов, Панасюк, 1997).

Географик тадқиқотлар учун ГАТ-технологиялари бу мақамал йўл-йўриқ кўрсатувчи воситадир. У ишнинг самарадорлигини бир неча бор оширади. ГАТ мавжуд ахборотлардан воқеа ва ходисалар жойини акс этган холда, киши онгида яққол тасаввурни намоён қила оладиган янги гоёларнинг махсулидир.

Киши воқеа ва ходисалар тўғрисидаги ахборотларни тўла кўра олса, тасаввур эта олса, хоҳ ўша ахборотлардан илмий тадқиқотларда, хоҳ ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланмасин унинг мохияти жуда катта бўлади.

Яхши лойихаланган ГАТ:

- турли мазмундаги ва тарқоқ ахборотларни бир тизимга бирлаштиради, географик маълумотларни таҳлил қилиш учун келишилган тизимни яратади;

- карта ва бошқа мавжуд ахборот манбаларини рақамли кўринишга ўтказиш билан географик билим ва тасаввурларни янги қизиқарли йўналишларини вужудга келтиради;

- географик ёндошувга асосланганлик натижасида турли воқеа, жараён ва ходисалар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлайди;

- маъмурий таснифдаги (хусусий мулкчиликка эгалик қилиш, солиқлар, маиший тизимлар тўғрисидаги) маълумотларга, уларнинг географик жойлашуви орқали ёндашишга имкон беради;

- маълумотлардан географик нуқтаи назардан фойдаланиш, уларни янгитдан аниқлаш ва тушиниш имконини беради.

Турли кўринишдаги фаолият ва манбаларни тушиниш, бошқариш қанчалик долзарб бўлмасин, унда ГАТнинг ўзаро алоқаси таъминланмаса, бу масала хал этилмасдан долзарблигича қолиб кетади.

Электрон рақамли карталар – бу шартли белгиларнинг махсус тизимида экранда акс этувчи визуаллашга тайёрланган ёки визуаллаштирилган картадир. (Эслатма: электрон рақамли картанинг шартли белгилар тизими махсус шрифтларни ҳам ўз ичига олади.)

Электрон рақамли карта мохияти ва мақсадидан келиб чиққан холда синфлар, турлар ва типларга бўлинади.

Электрон рақамли карта – бу машина ташувчисида (масалан, оптик дискда) қабул қилинган проекцияда дастурий ва техник воситалар, координаталар ва баландликлар тизими, акс эттириш, тахлил ҳамда моделлаш, шунингдек жой ва шароит маълумотлари бўйича ахборотли ҳамда хисобли масалаларни ечиш учун мўлжалланган шартли белгилардан фойдаланиш билан шаклланган вектор ёки растли картадир.

Растрли карта – матрица кўринишидаги картографик ахборот ёки тасвир бўлиб, унинг асосида картографик тасвир нуқталарининг ранглар кодлари ётади.

Векторли карта – растр асосида чизилган карта бўлиб, у нуқта, чизиқ, ареал кўринишида бўлади ва картага ўзгартиришлар киритиш имконияти мавжуд бўлади.

Электрон рақамли карта – бу жойнинг белгиланган масштабда тегишли карталар мазмуни ва аниқлиги бўйича баландлик ҳамда координаталар тизими, карталар учун қабул қилинган проекцияларнинг картографик генерализациянинг қонунларини хисобга олган ҳолда шакллантирилган белгиланган структура ва кодларда машина ташувчисида ёзилган рақамли моделидир.

Электрон рақамли карталар геоахборот тизимлари асосида яратилади, бу эса унинг янада самарали бўлишини таъминлайди. Ер кадастрида карталар қандай аҳамиятга эга бўлса, геоахборот тизимларида ҳам шундай аҳамият касб этади. Карталар бошлангич манба сифатида муҳим рол ўйнаса, яқуний ҳосила сифатида ҳам маълумотларни тақдим этишнинг қулай формаси хисобланади.

Кейинги 10 йилликда ГАТ-технологиялари Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларида кенг фойдаланилмоқда. Осиё минтақаси ва МДХ давлатларида ҳам аста-секин янги ГАТ-технологиялари ва маҳсулотлари бозори шаклланилмоқда.

Республикамиз миқёсида ягона геоахборот тизимларини яратиш зарурияти аллақачон тугилган эди. Бунда турли автоматлашган бошқарув, усуллар, алгоритмлар, дастурлар ва технологияларни мавзули карта ва бошқа маълумотларни рақамли, ёки электрон кўринишига келтириш билан боғлиқ бўлган масалалар ечимига эътибор қаратиш устивор йўналиш деб олинган.

ГАТ-инфратузилмаси охирги пайтларда яратилаётган рақамли карталарни ишлаб чиқишга асосланади.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ер балансини тузишда карталар муҳим рол ўйнайди. Кейинги пайтларда карталарни электрон рақамли тарзда яратилиши ишнинг янада самарали бўлишини таъминламоқда. Кадастр карталарини яратиш жуда мураккаб бўлган жараёнларни ўз ичига олади ва замонавий компьютер техника ва технологияларига таянишни талаб этади. Шу сабабли бу соҳани амалга ошириш учун жаҳон тажрибалари ҳам кенг ўрганиб чиқилди.

Россияда ер балансини тузиш учун 4 та дастурдан фойдаланилади. Роскомзем маълумотлари, яъни булар Windows Ях/NT негизидаги

- IB DataBase 5/MapInfo for Windows;
- IB DataBase 5/Objectland for Windows;
- Oracle 7/Objectland for Windows;
- Oracle 7/SICAD/SD 98 дастурларидир.

Лекин Ўзбекистонда ҳозирча ягона дастур қабул қилингани йўқ. Давлат кадастрларининг Ягона тизими учун MapInfo танланган, Ер кадастрида Oasis, кўчмас мулк кадастрида AutoCAD, картографияда Masromedia/Freehand ва бошқа дастурлардан фойдаланилади.

ГАТни яратиш жараёнида дала ва камерал шароитдаги ишлар амалга оширилади. Дала шароитида ер балансига киритиладиган маълумотларни йиғиш ишлари ва ГАТни яратиш учун кўплаб хорижий фирма ва компанияларнинг махсус воситаларидан фойдаланилади. Ер кадастри ГАТида республикамиз шароитига мос келадиган АКШнинг Magellan Ashtek фирмасининг SOKKIA SET 500 электрон тахеометрлари ва унга ёрдамчи NOTEBOOK A5 компьютерлари энг қулай восита ҳисобланади.

NOTEBOOK A5 компьютерлари улкан хотирага эга бўлиб, кадастр съёмкаси натижаларини бир вақтнинг ўзида даладан сунъий йўлдошлар орқали камерал шароитдаги компьютерларга узатиш имкониятига эга. Бу эса ишнинг тез, аниқ ва самарали бўлишини таъминлайди.

Хозирда махаллий «DeltaEr, «Oasis» дастурлари (ижодкор А.Мантров «МАГК») ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Лекин, бу дастурларда соҳа учун қулай бўлсада республика давлат кадастрлари ягона тизими дастурларига номутаносибдир. Бунинг олдини олиш ва ягона дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

2.3 Қибрай туманидаги фермер хўжаликларини хариталаш ҳолати

Туман хўжаликларининг электрон рақамли кадастр карталарини геоахборот технологиялари асосида яратиш босқичлари қуйидагича олиб борилади:

1. Тайёргарлик ишлари босқичи
 - а) картографик манбаларни ўрганиш;
 - б) ердан фойдаланиш маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш;
 - в) ернинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш;
 - г) ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маълумотларни тўплаш ва ўрганиш.
2. Маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш босқичи

- а) рақамли карталар яратиш;
- б) ер тўғрисидаги умумий маълумотлар банкини яратиш;
- в) маълумотларни расмийлаштириш.

Ахборот тизимларини барпо этиш босқичи:

- а) тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва рақамли тарзда сақлаш;
- б) ахборотни ҳисобот кўринишида давлат бошқаруви органларига тақдим этиш;
- в) ахборот ва расмий ҳужжатларни истеъмолчиларга тарқатиш.

Рақамли карталарни яратишнинг ўзи бир неча мураккаб босқичлардан таркиб топади:

1. Маълумот (фотоплан)ларни танлаш
2. Маълумот(фотоплан)ларни сканер ёрдамида компьютер хотирасига киритиш.
3. Растрни тозалаш ва қайта ишлаш.
4. Растрни бурчаклари бўйича ориентирлаш.
5. Хатоликларни текшириш.

6. Векторизация қилиш.
7. Чизиқли объектларни майдонли ҳолатга келтириш.
8. Фотопланларни тикиб хўжалик карталарини яратиш.
9. Контурлар бўйича ер майдонларини ҳисоблаш.
10. Хўжаликлар карталарини жихозлаш ва нашрга тайёрлаш.
11. Карталарни нашр қилиш.

Қибрай тумани 1933 йил 1 декабрда ташкил топган. Худуди 0,56 минг кв км ни ташкил этади. Маркази Қибрай шаҳри. Қибрай шаҳри 1973 йил 26 февралда ташкил этилган бўлиб туманнинг йирик саноат ва қишлоқ хўжалик марказларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари Салор шаҳарчаси ҳам туман худудида жойлашган.

Туманда 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб улар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

2.2-жадвал. Қибрай тумани таркибига кирувчи қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва уларнинг марказлари

№	ҚФЙнинг номи	ҚФЙ маркази	Туман марказидан узоқлиги, км
1.	Байтқўргон	Байтқўргон	9
2.	Ёнариқ	Маданият	8
3.	Май	Май	12
4.	Матқобулов	Дўрмон	35
5.	Тузел	Тошабойгузар	1
6.	Чинобод	Чинобод	12
7.	Янгиобод	Каттасув	15
8.	Ўнқўргон	Ўнқўргон	15
9.	Қизилтув	Қизилту	

2.3-жадвал. Қибрай тумани қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибига кирувчи қишлоқлар

№	ҚФйнинг номи	Массивларнинг номи
	Байтқўргон	Байтқўргон массив
	ёнарик	Маданият массив
	Май	А.Жомий массив
	Матқобулов	Дўрмон массив
	Тузел	Нормухаммедов массив
	Чинобод	Бурота массив
	Янгиобод	Мусамухаммедов массив
	ўнкўргон	Турон массив
	Қизилтув	Қибрай массив

Тошкент вилояти Қибрай тумани хўжаликлари ер балансини карталарини тузишда геоахборот тизимларини қўллашда юқоридаги бўлимда санаб ўтилган босқичлар бўйича ишлар ташкил этилди.

Дастлаб янги дешифровка натижалари қайд этилган 1:10000 масштабдаги фотопланлар танлаб олиниб сканер қурилмаси ёрдамида компьютер хотирасига киритилди. Киритилган фотоплан тасвири компьютер тилида «растр» деб юритилади.

Photoshop дастури ёрдамида растр тозаланиб, тасвирни кўриниши тиниклаштирилди.

Сўнг фотоплан трапецияси бурчаклари бўйича координаталарини махсус хисоблагич ёрдамида номенклатурасини киритиш орқали топилади. Растрни «Оазис» дастурида очиб бурчаклари бўйича координаталарини киритиб, ориентирланади. Ориентирлаш натижаларига кўра хатоликлар йўл қўйилиши мумкин даражада бўлса, векторизация ишлари амалга оширилади.

Векторизация ишларини бошлашдан аввал қуйидаги қатламларни киритиш талаб этилади:

- Математик-геодезик асос;
- Чегаралар ва тўсиқлар;
- Гидрография;
- Рельеф;

- Аҳоли пунктлари;
- ўсимлик қоплами;
- Йўллар;
- Саноат, қишлоқ хўжалик объектлари ва бошқалар.


Қатламларни ҳосил қилишдан кўзланган мақсад карталарни турли мавзуларда яратиш имкониятини ҳосил қилишдир.

Дастурда «семантика» бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлим карталарда тасвирланадиган ҳар бир объектни хусусиятини белгилайди. Масалан, ариқ чизиш лозим бўлса семантика бўлимидан ариқни, қатламлар бўлимидан гидрографияни танланади. Бу билан компьютер биз чизаётган ариқни рангини ва ариқнинг эни қанча эканлиги автоматик равишда ўзи танлайди. Шу аснода ҳар бир объект устидан чизиб чиқилади.

Барча объектлар ўз хусусиятларига қараб қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- нуқта;
- очик чизик;
- контур (ёпиқ чизик);
- майдон (ареал).

Контур ва чизикли турдаги маълумотларни умумий қилиб, «чизикли объектлар» деб ҳам аташади.



2.1-расм. Карталарда тасвирланадиган координатали маълумотларнинг асосий турлари.

Нуқтали объектлар энг оддий маълумот турлари билан тавсифланиб нафақат нуқтали, балки нуқта билан ифодаланувчи шартли белгиларнинг барчасини ўз ичига олади. Нуқта кўринишидаги объектларни танлаш, карта ёки тадқиқот кўламига мос равишда олинади. Масалан, йирик масштабдаги картада алоҳида қурилмалар нуқталар билан ифодаланса, майда масштабдаги картада шаҳарлар тасвирланади.

Чизиқли объектлар. Бу объектлар тармоқли, йўналишли маълумотларни ифодалашда кенг қўлланилади. Чизиқли объектлар ҳам нуқтали объектлар сингари ўзининг атрибутларига эга:

- харакат йўналиши;
- қувур диаметри, газ харакати йўналиши;
- ЭУТ (электр узатиш тармоғи) қуввати;
- дарё, йўл, чоррахани тасвирловчи маълумотлар ва бошқалар.

Шу билан бирга чизиқли объектларнинг номлари ҳам берилиб, улар бошқа объект билан боғлаш учун хизмат қилади.

Нуқтали объектлар учун координаталарнинг бир ёқлама маълумотлари (яъни, фақатгина нуқтанинг координаталари) берилса, чизиқли объектлар учун икки ёқлама маълумотлар (яъни, чизиқнинг бошланиш ва тугаш координаталари)ни бериш керак.

Ареаллар. ГАТда бир вақтнинг ўзида ареалларнинг бир неча тури қўлланилади. Атроф муҳит ёки табиий ресурсларни; ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни; экинлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни изоҳловчи майдонли маълумотлар шулар жумласидандир.

Ареалли объектлар учун чегаралар воқеа ва ходисанинг хоссасига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқланади. Шу билан бирга чегара сунъий равишда ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин (масалан, экин майдонлари учун).

Барча объектлар юқоридагилардан қайси бирига тегишли бўлса ўша тоифа бўйича векторизация қилинади.

Фотоплан тўлалигича вектор холига келтирилгандан сўнг хўжалик нечта фотопланда тасвирланган бўлса шунча фотоплан бир-бири билан тикилади. Фотопланларни тикиш жараёни ориентирлаш вақтида киритилган бурчак

координаталари асосида амалга оширилади. Ориентирлаш пайтида йўл қўярли хатоликлар меъёр даражасида бўлса фотопланларни тикиш пайтида қийинчиликлар кузатилмайди.

Туман картаси хосил қилингандан сўнг ареаллар яъни майдонли объектлар хосил қилиниб, ер майдонлари контурлар бўйича хисобланади. Хисоблашлар компьютерда контур рақамларини киритган холда бажарилади. Хар бир контурда мавжуд бўлган объектлар майдонлари «Ер майдонларини контурлар бўйича хисоблаш ведомости» жадвалининг тегишли устунларига автоматик тарзда ёзилади. массив ерларининг жами ер турлари бўйича хисоблаб ёзилади. Барча ишлар компьютер хотирасида автоматик тарзда бажарилади.

Кейинги галдаги ишлардан бири—Қибрай туманининг 1:25000, 1:50 000, 1:100 000 масштабдаги навбатчи электрон карталарини яратишдир. Фотопланлар асосида вужудга келган хўжалик карталари энди массивлар бўйича тикилади. Массив карталари 1:10 000 масштабда бўлганлиги сабабли картографик генерализация ишлари амалга оширилиши талаб этилади. Векторизация қилинган 4 та фотоплан тикилиб 1:25 000 масштабли фотоплан хосил қилинади ва уларни тикиш орқали туман картаси яратилади.

Яратилган картани истаган масштаб бирлигида чиқариш имконияти мавжуд, бунинг учун карта танланган масштабда коғозга чиқариб олинади ва генерализацияга тайёрланади.

Қибрай туманининг картасини яратишда аҳоли пунктларини (масалан, Байтқўргон, Ёнарик, Ўнқўргон, Қизил шалола, Чинобод, Тузел, Қипчоқ, Хосилот ва бошқалар)-ареаллар усулида, мавжуд гидрогафик объектлар (Чирчиқ дарёси, Бўзсув канали, Хонариқ ва Искандарариқ ариқлари ва бошқалар) ҳамда асосий горизонталлар-чизиқлар усулида, ҳамда ер турларини билдирувчи турли хил белгилар картография қонуниятлари асосида шартли белгилар билан тасвирланган. Нуқталар усулида эса геодезик пунктлар ва баландик нуқталари тавирланган.

Ранглар компьютер дастури ёрдамида хар бир объектнинг хоссаси ва хусусиятига қараб семантика ва қатламга ажратиб векторизация қилиш пайтида автоматик тарзда берилади. Масалан, чегарани чизиш лозим бўлса, уни қанақа

чегара эканлиги (яъни давлат, вилоят, туман, хўжалик, ердан фойдаланувчилар) семантикадан танланиб, қатлам қисмидан Чегара қатламига босилади ва чизиш жараёнида чегара чизигининг қалинлиги, ранги компьютер томонидан автоматик равишда берилади.

Туман картасини яратиш технологияси асосан юқоридагилардан таркиб топади. Энди бу картада тасвирланган ҳар объект тўғрисидаги маълумотларни киритиш мумкин (масалан, бирор ариқ бўлса, унинг номи, жойлашаган ўрни, бошланиш ва қуйилиш нуқталари, нима мақсадларда фойдаланиши, суви хусусияти ва бошқалар киритилади). Бу билан геахборот тизимларини яратишни таъминлашга эришилади ва ўз навбатида кадастр ишлари учун ҳам самарали маълумотлар банки яратилади.

Ер балансининг электрон карталарини лойихалаштириш ва тузишнинг долзарблиги, унинг яратилиш босқичлари ҳамда уларни яратишда қўлланиладиган картографик усулларни илмий ўрганиш асосий вазифалардан бири саналади.

Юқорида ёритилган фикрларни амалда қўллаш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай туманининг 1:100 000 масштабдаги ГАТ харитаси яратилди. Амалга оширилган энг муҳим ишлардан яна бири ГАТ харитаси яратиш куннинг долзарб масаласи эканлигини чуқур англаган ҳолда унинг афзалликларини назарий асослари ишлаб чиқилганлигидир.

Карталар барча кадастр турлари учун зарурий маълумот манбаи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, карталарни замонавий ГАТ лар ёрдамида яратиш ҳамда географик ахборот тизимларни барпо этишдан барча соҳа вакиллари манфаатдордирлар.

Географик ахборот тизимлар ёрдамида кадастр карталари яратилганда вақт мобайнида ўзгарадиган маълумотларни киритиш карта материалларини янгилаш жараёнлари ҳам бир мунча аниқ, тез, ишончли ҳамда самарали тарзда амалга оширилади.


Бугунги кунда техниканинг тез ривожланиши муносабати билан электрон рақамли карталар тобора ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Бу эса юқори сифат, қисқа вақт ва юқори самарани таъминлайди.

Электрон рақамли карталар компьютер воситалари ёрдамида чизилганда кадастр ишларининг самарадорлиги, аниқлиги ва тежакорлиги юқори даражада бўлади. Бу ишлар ҳам 2 хил шароитда амалга оширилади.

1. Дала шароити. Бунда ишлар юқори даражали техника воситалари: GPS приёмниклари, электрон тахеометр ва бошқалардан фойдаланилади. Камерал шароит. Бундай шароитда майдонларни ҳисоблаш ва картани тайёрлаш ишлари бажарилиб, барча маълумотлар компьютерга киритилади ва вектор ҳолатга келтирилади ва янги электрон рақамли карта тайёр бўлади.

Тайёр бўлган электрон рақамли карта картография фабрикасига юборилмай жойнинг ўзида “плоттер” принтер ёрдамида рангли тасвирда нашрдан чиқарилади.

Шу билан бирга вақт ўтиши билан карталар эскириб, мазкур картани янгилаш анъанавий усулда бажарилганда узоқ вақт ва яна кўп маблағ талаб этилади. Компютер воситалари ёрдамида тайёрланган ГАТ харитаси эса компютер хотирасида сақланган бўлади ва уни керакли вақтда чақириб олиниб, қисқа вақт ичида ўзгартиришлар киритиб янги карталарни ҳосил қилиш мумкин



2.2-расм Фермер хўжалиги ер участкаларининг харитаси.

Юқоридаги фикрлар ер кадастри карталарини геоахборот тизимларидан фойдаланаган ҳолда яратиш анъанавий усулга қараганда бир неча бор афзал

эканлигидан далолат бериб турибди. Бу билан аввало вақт ва маблағ тежамкорлигига эришиш, сифат даражасидан юқори самараларни қўлга киритиш мумкин.

Демак, ер балансининг аниқлигини ошириш ва малумотларни тезкор анализ қилиш мақсадида замонавий картографик усуллардан ва ГАТ технологиялардан фойдаланиш зарур.

2.4 Дала шароитида ишчи ходимларни хавфли омиллардан ҳимоя қилиш.

Дала шароитида ишчи ходимлар ўз меҳнат фаолиятларини амалга оширишда бир қатор тан жароҳатларини оладилар. Булар: захарланиш, синиш, лат ёйиш ва куйиш кабилардир.

Пестицидлар билан захарланганда биринчи медицина ёрдами кўрсатишнинг умумий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат. Агар пестицид нафас йўллари орқали ўтган бўлса жабрланувчини пестицид сепилган даладан очик ҳавога олиб чиқиш керак. Агар пестицид териغا тушган бўлса, у ҳолда терини сув оқими билан ювиш ёки артиб ташлаш лозим. Агар пестицид организмга ошқозон-ичак йўлидан ўтган бўлса, жабрланувчига бир неча стакан сув ёки калий перманганатнинг оч пушти эритмаси ичирилади ва оғизга бармоқни тикиб қайт қилдирилади (2-3 марта). Шундан кейин 2-3 қошиқ активланган кўмир билан ярим стакан сув, сўнгра сурги (20 г тахир тузнинг 0,5 стакан сувдаги эритмаси) ичирилади. Нафас олиш сусайганида новшадил спирти ҳидлатилади, нафас олиш тўхтаганида сунъий нафас олдирилади.

Суяк синиши ёпик ва очик типда бўлади. Ёпик синишда синган жойдаги тери ва юмшоқ тўқималар жароҳатланмайди, очик синишда эса жароҳатланган бўлади. Биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин ташқи белгиларига қараб ёки беморнинг ўзидан сўраб жароҳатланган жойни аниқлаш лозим. Синган жой аниқлангандан кейин аввал соғ оёқ қўллардан, сўнгра жароҳатланганидан кийим - кечакни ечиш керак.

Очик синишда кўп қон кетади, шу сабабли биринчи навбатда қонни тўхтатиш лозим. Жароҳат атрофидаги териға оид, спирт ёки атир суртилгандан кейин унга

стрелланган боғлам кўйиб боғланади. Шундан кейин синган жой тахтакачланади. Тахтакачнинг узунлиги синган жойга яқин иккита буғимга етадиган бўлиши керак.

Захарланиш одам организмига узоқ вақт мобайнида захарли чанглар, суюклик ва газларнинг таъсиридан келиб чиқади. Бунинг натижасида ҳид сезиш ва ҳис этиш органларини кузатади, шунингдек, умумий ҳолсизланиш пайдо бўлади. Захарланишни энг биринчи белгиларидан бош оғриши, кўнгил айнаши, бошда оғирлик ва кулоқда шовкин пайдо бўлиши, бош айланиши ва юрак уришининг тезлашишидир. Захарланган одамнинг захарланган муҳитда бўлишининг давом этиши уни яна ҳам ҳолсизлантиради, уйкуга тортади, нафас олиши узук- узук бўлади, томир тортиши пайдо булади ва нафас олиш марказининг фалажланишидан ўлим юзага келади.

Жабрланувчида захарланиш аломатлари пайдо бўлиши билан уни тоза ҳавога олиб чиқиш, совуқ компрессии бошига куйиш ва новшадил спиртини ҳидлатиш лозим. Юзаки сушт нафас олишда ёки у тўхтаганда сунъий нафас олдирилади.

Захарланганда биринчи навбатда нафас олиш йўли, тери, ошқозон-ичак тракти орқали захарли моддаларнинг ўтиши тўхтатилади. У терига тушиши билан сувда ювиб ташланади. Агар захар ошқозон - ичак тракти орқали организмга ўтса, бир неча стакан илик сув ёки кучсиз калий перманганат аралашмаси ичирилади, яъни кўнгил айнашини тухтатиш учун. Ундан кейин ярим стакан сувни икки-уч қошиқ активлаштирилган кўмир билан ичирилади ва ични бўшаштирадиган дорилар ичирилади. Агар захарнинг тури маълум бўлса, унинг кимёвий таркибига қараб қўшимча чора - тадбирлар кўрилади. Одатда, ошқозонга захарнинг таъсирини кесувчи моддадан юбориш шартдир.

Куйиш терига юкори ҳароратларнинг (термик) шунингдек кислота, ишқор, фосфор ва бошқаларни, (кимёвий) таъсири натижасида содир бўлади. Куйишнинг оғирлигига қараб уларни тўрт даражага бўлиш мумкин. Биринчи даражали куйишда терини қизариб шишиши сезилади; иккинчисида суюқликка тўлган, пуфакчалар ҳосил бўлади; учинчисида тери жонсизланади; туртинчисида тери куйиб кўмирга айланади.

Биринчи даражада куйишда куйган жойлари тоза сувда ювилади, ундан кейин спирт, одиколон ёки калий перманганатнинг кучсиз аралашмаси билан хўлланади. Иккинчи даражали куйишда терининг куйган кисимларига пуфаклар кўчирилмасдан стерилланган боғич кўйилади. Кийим ва оёқ кийимларни ечганда териға тегиб кетмаслиги ва яра ифлосланмаслиги лозим. Концентрланган кислоталардан куйганда (сулфат кислотадан ташкари) терини куйган юзи 15-20 минут давомида совуқ, сув, совунли сув ичимлик (3%ли)сода аралашмаси билан ювилади.

2-Бобга хулоса

Тошкент вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган бўлиб, Республиканинг шимоли – шарқида жойлашган. Унинг умумий ер майдони –15,26 минг кв.км. дан иборат.

Ер балансининг автоматлашган тизимини яратиш республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқариш, асраб авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини химоя қилишда, хамда сохада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта ахамият касб этади. “Ер баланси” -ер ресурслари, ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизимидир.

Географик тадқиқотлар учун ГАТ-технологиялари бу мақаммал йўл-йўриқ кўрсатувчи воситадир. У ишнинг самарадорлигини бир неча бор оширади. ГАТ мавжуд ахборотлардан воқеа ва ходисалар жойини акс этган холда, киши онгида яққол тасаввурни намоеън қила оладиган янги гоёларнинг махсулидир.

Туман картасини яратиш технологияси асосан юқоридагилардан таркиб топади. Энди бу картада тасвирланган хар объект тўғрисидаги маълумотларни киритиш мумкин (масалан, бирор ариқ бўлса, унинг номи, жойлашаган ўрни, бошланиш ва қуйилиш нуқталари, нима мақсадларда фойдаланиши, суви хусусияти ва бошқалар киритилади). Бу билан геахборот тизимларини яратишни таъминлашга эришилади ва ўз навбатида кадастр ишлари учун хам самарали маълумотлар банки яратилади

3-БОБ Ер балансини тузишда геоахборот тизимларидан самарали фойдаланиш.

3.1.Маъмурий туманда ер балансини тузишга оид тавсиялар

Туман ер фондининг ердан фойдаланувчилар орасидаги тақсимотининг дастлабки босқичида маъмурий чегаралар (туман, вилоят, республика) ва улар таркибига кирувчи майдонлар аниқланади. Иккинчи босқичда эса республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган вазирликлар, қўмиталар, концернлар, бирлашма, уюшма ва бошқаларнинг ер мулк салоҳиятига бўлган эҳтиёжи ҳамда ернинг ҳудудий тақсимоли масалалари ўрганиб чиқилиши зарур бўлади. Учинчи босқичда фуқаролар, корхона, ташкилот, муассасаларни юқори босқичдаги вазирлик ёки идораларга буйсунишини ҳисобга олган ҳолда ер майдонига ва ер сифатига бўлган талабга қараб ўрганиб чиқиш масаласи қўйилади.

Туманда ер баланси кўп босқичли тизимга асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбир бўлиб, жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлар манфаатига ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига бевосита таъсир этади. Давлатнинг бошқа йирик тадбирлари каби ер тақсимолини ўтказиш ҳам тарихий шарт-шароитлар, ҳозирги замон талаби ва жамиятнинг истиқбол йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур бўлади.

Миллий хўжалик тармоқларининг мустақилликкача бўлган даврдаги ер мулк салоҳиятига бўлган сифат ва миқдорий талаблари ҳамда улар эгалланган майдонлар ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера олмайдиган ҳолатга келган.

Ер балансини ерлар шу ердан фойдаланиш истагини билдирган фуқаролар, жамоалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда қишлоқ фуқаролари йиғини тавсифномаларига асосан туман ҳокимияти томонидан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан ёки давлат заҳира ер фондидан олиб берилади. Янги ердан фойдаланувчиларга берилгунга қадар туман ҳокимияти томонидан белгиланган тартибга кўра ер участкаси олдинги ердан фойдаланувчилар томонидан фойдаланиб турилади.

Кейинчалик ердан самарали фойдаланишни таъминланган тақдирда дастлабки ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ихтиёрида қолдириш мумкин.

Махсус ер фондига киритилган ерларни ер эгалари ва ердан

фойдаланувчиларнинг розилигисиз олиб қўйилиши мумкин. Ерни олиб қўйишда норозиликлар билдирилса, ҳакам орқали ажрим қилинади. Махсус ер фондидан ер бериш «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси муассасалари (органи) томонидан туман ҳокимияти қарорига асосан амалга оширилади. Бундан вилоят ва республика қарамоғидаги шаҳарлар ихтиёрига ер бериш мустасно. Шаҳарларга ер бериш вилоят ҳокими қарори билан тегишли туман ва шаҳар ҳокимиятлари билан келишилган ҳолда «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси муассасалари кўрсатмаси бўйича амалга оширилади. Айрим ҳолларда туман ҳокимияти ер бериш ва ерни олиб қўйиш ваколатларини маҳаллий ҳокимиятларга беришлари мумкин. Махсус ер фондидан ер ажратиш яхлит майдондан ва қўшни ердан фойдаланувчиларга ҳам қулай шароит яратиш шarti билан ер тузиш лойиҳаси орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш турли ер тоифаларини ўзгариши ва хусусийлаштирилишига сабаб бўлади. Замонавий шаклдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил топиши натижасида фермер хўжаликлари, ижарачи жамоалар, уюшмалар, кичик корхоналар ва бошқа шаклдаги хўжалик юритувчилар барпо этилади.

Янги ташкил этиладиган ердан фойдаланувчиларга ер бериш уни тузиш лойиҳасига асосан туман ҳокимияти қарорига кўра амалга оширилади. Қарор қабул қилинган, ер тузиш лойиҳаси жойига кўчирилади ёки ерга эгалик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Давлат қишлоқ хўжалиги ва тажриба синов хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқармаслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат қишлоқ хўжалиги тажриба-таянч, тажриба-синов хўжаликлари илмий тадқиқот муассасаларини хусусийлаштирамайди ва давлат тасарруфидан чиқармайди. Уларда ердан фойдаланувчи ҳуқуқлар тўлиқ сақланади.

«Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси муассасалари махсус ер фондини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ҳамда қишлоқ чегараларидаги ўзгаришларни аниқлайдилар ва ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар. Туман ёки вилоят ҳокимиятларида тасдиқланган ер тузиш лойиҳалари жойига кўчирилгандан сўнг ер эгалиги қаердан

фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат берилади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунга қадар фуқаролар, ташкилотлар, корхоналар, ширкатлар ва бирлашмалар белгилаган тартибда ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Ер балансини тузишни амалга ошириш маҳаллий ҳокимиятларга ва «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасининг туманлардаги хизмати зиммасига юклатилади. Ер тақсимооти тартиби ва меъёрларини бузган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунлари олдида жавобгардирлар.

Туман ер балансини тузишда қуйидаги тартиб-қоидаларга риоя этиш зарур: қишлоқлар, саноат, транспорт, сув хўжалиги, алоқа ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ердан фойдаланувчи тоифалари томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли бўлган ерлардан фойдаланиш ва белгиланган меъёрий кўрсаткичлар талабларига мос келмаган самарасиз фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган ерларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси туманлардаги хизмати томонидан амалга оширилади; самарасиз фойдаланилаётган ерлар майдонини аниқлаш ер тузиш лойиҳалари, ер кадастри ва ер мониторингини тадбиқ этиш жараёнида амалга оширилади; самарасиз ерлар тўғрисида ҳужжатларга алоқадор бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан кўриб чиқилиб тасдиқлангандан сўнг ер тузиш муассасалари бу ерларни махсус ер фондига киритиш учун туман ҳокимиятига маълумот беради.

Туман ер балансини тузишда қуйидагиларга эътибор берилиши зарур:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқсиз бўлиб қолган ерлар.
- Бир йил муддат ичида белгиланган мақсад бўйича фойдаланилмаётган барча тоифадаги ерлар;
- Ўрмон хўжалик ерлари (ўрмон билан банд бўлмаган ва қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган майдонлар);
- Охириги 5 йилда ер кадастри баҳолаш маълумотларига кўра табиий ва иқтисодий имкониятларидан 20% дан кўп ҳажмда кам маҳсулот олган қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари (ўртача туман кўрсаткичларига нисбатан).

Ер тузиш соҳаси вазифаларидан келиб чиққан ҳолда туман махсус ер балансини ҳудудий ташкил этиш ва ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга ер ажратиш муаммоларини ҳал этиш зарур бўлади. Ер балансинида янги фермер хўжаликларини барпо этишда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Туман ер балансини янги фермер хўжаликларни ёки бошқа ердан фойдаланувчи субъектларни барпо этиш, мавжудларини қайта кўриб чиқиш мақсадида қуйидаги ер тузиш, ер кадастри ва ер танлаш ҳамда ажратиш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- махсус ер фонди мақсади ва вазифаларини аниқлаш махсус ер фондини ташкилий тадбирларини ишлаб чиқиш, самарасиз фойдаланилаётган ерни таркибини ва аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш;

- самарасиз ерларни сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш;

- махсус ер фондини тақсимоти ва қайта тақсимотини ҳал этиш;

- қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ман этиладиган ерларни аниқлаш ва ажратиш;

- ер ажратиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш;

- махсус ер фондидан самарали фойдаланишни бошқариш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш.

Ер балансини қуйидагилар ҳисобига барпо этилади:

- Ер кодексининг 36-моддасига биноан ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганда;

- қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ёки унумсиз бўлиб қолган ерлар;

- ўрмон хўжалиги тасарруфираги ўрмон билан қопланмаган қишлоқхўжалиги ишлаб чиқаришига яроқли бўлган ерлар;

- самарасиз фойдаланилаётган ерлар тоифалари.

Истиқболда ер балансинидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

- ер балансининг захира ерлар таркибига ер участкаларининг бир қисмини

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун шаҳар ҳокимиятларига бериш;

- давлат ва бошқа қишлоқ хўжалик субъектларини қайта ташкил этишда ерларни қайта тақсимлаш;

- қишлоқлар чегараларини белгилаш: аниқлаш уларга беркитилган ерларни тўғри ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига деҳқончилик чорвачилик, ва шахсий хўжалик юритиш, боғдорчилик, дала ховлиларни қуриш, халқ хунармандчилиги билан шуғулланиш мақсадида доимий (мудатсиз) фойдаланиш учун ер бериш:

- ерга эгаллик қилиш ва ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш ишларини амалга ошириш.

Ер балансинига киритилган ерлар шу ерлардан фойдаланиш истагини билдириб фуқаролар, жамоалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳаллалар қўмитаси аризаси ва тавсифномаларига туман ҳокимияти томонидан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб борилади.

Янги ер эгалари ва фойдаланувчиларга берилганга қадар туман ҳокимияти томонидан белгиланган тартибга кўра олдинги ер эгалари ва фойдаланувчилар томонидан фойдаланиб турилади.

Кейинчалик самарали ердан фойдаланишни таъминланган тақдирда дастлабки ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ихтиёрида қолдириш мумкин.

Ер балансинига киритилган ерларни давлат эҳтиёжи учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан розилигисиз олиб кўйиши мумкин. Ерни олиб қуйишда норозиликлар билдирилса суд орқали ажрим қилинади.

Ер балансини ҳисобидан ер участкасини бериш туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан туман ҳокими қарорига асосан амалга оширилади.

Айрим ҳолларда туман ҳокимияти ер бериш ва ерни олиб қуйиш ваколатларини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига беришлари мумкин. Ер

балансинидан ер ажратиш яхлит майдондан ва кўшни ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчиларга ҳам қулай шароит яратиш шарти билан ер тузиш лойиҳаси орқали амалга оширилади.

3.2.Туман ер балансини тузишда геоахборот базасининг намунавий алгоритми.

Маълумотлар базасини ишлаб чиқишдан мақсад давлат ер балансини тузиш учун маълум бир ердан фойдаланувчи, шунингдек, ер участкаларида жойлашган алоҳида объектлар бўйича маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил қилиш ҳамда ўзгага берилишини таъминловчи дастурий мажмуани яратишдан иборатдир.


Дастурий мажмуа қуйидагиларни таъминлайди:

- реестрлар шакллангунига қадар ер участкалари ва алоҳида объектлар бўйича кадастр ахборотларини қайта ишлаш ҳамда маълумотларни туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматига бериш;
- ер участкалари ва алоҳида объектларни кадастр рақамлари, алоқа манзиллари ёки фойдаланувчиларнинг номлари бўйича ахборотларни қидириш ва олиш;
- фойдаланиш тури ва функционал моҳияти бўйича объектлар гуруҳлари тўғрисидаги ахборотларни қидириш ва танлаш.

«Ердан фойдаланишнинг ер маълумотлар базаси» ни дастурий мажмуасини яратишнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Microsoft Access – 2010 муҳитида маълумотлар базасининг таркиби ҳисобланган жадваллар, шакллар, сўровлар, ҳисоботлар (реестрлар) таркибини ишлаб чиқиш;
- ердан фойдаланувчилар объектлари ва ер участкаларининг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;
- йўқлама қилиш бўйича ишларни шакллантириш ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматига беришда компьютерли ҳисоботлар шаклларини ишлаб чиқиш;
- дастурий мажмуадан фойдаланувчига қўлланмани ишлаб чиқиш.

Маълумотлар банкининг таркиби. «Ер баланси» – бу ердан фойдаланиш объектларида йўқлама қилиш ишларини юритиш ҳамда уларни ер ресурслари ва



давлат кадастри хизматларига беришда натижаларини рўйхатга олиш, сақлаш, ўзгаришларини киритиш ҳамда таҳлил қилишга мўлжалланган, Microsoft Access – 2004 маълумотлари каталог базаси сифатида яратилган дастурий маҳсулотдир.

Объектлар тўғрисида фойдаланувчи учун зарур бўладиган маълумотларнинг бутун бир жамланмаси асосан бир неча жадвалдан иборат бўлиб, улар ўрганилаётган ҳудуддаги объектлар тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш имконини беради. Бу тизим зарурий жадваллар, шакллар, ҳисобот бланкалари, классификаторлар билан тўлдирилиб, кўпгина макросларни ўз ичига олади.

Маълумотларнинг каталог базасида барча маълумотлар бир неча жадвалда сақланади. Бу жадвалларнинг ҳар бири бир типдаги маълумотларни ўз ичига олади (Ер участкаси ва ердан фойдаланиш объектлари тўғрисида, фойдаланувчилар ҳамда уларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказо).

Маълумотлар каталог базасининг жадваллари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Бу ҳол бирданига бир неча жадвалга маълумотларни тушириш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир неча жадваллар маълумотларидан фойдаланиш имконини беради. Ўзаро боғлиқ жадваллар маълумотлар базасини ташкил этишнинг самарали усули бўлиб, дискли хотирани иқтисодли сарфлаш ҳамда маълумотларни янгилаш ва танлашни тезлаштириш мумкин бўлади.

Шакллар



Маълумотлар базасига ахборотларни киритишни осонлаштириш, унда сақланаётган маълумотларни кейинчалик кўриш ва таҳлил қилиш учун лойиҳада экран шаклларида фойдаланилган. Шакллардан маълумотлар базасига ёзувлар кўшиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, шаклларда Ўзбекистон Республикасида амалда ҳаракатда бўлган ва қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, классификаторлар, йўриқномалар ва кўрсатмалардан фойдаланилган ҳолда яратилган, очиладиган рўйхатлар, шунингдек, маълумотлар киритишни осонлаштирадиган бошқарувнинг бошқа элементлари ҳам жойлашган. Зарурат бўлган ҳолларда шаклга кўчмас мулк объектларининг расмга олинган тасвири ёки уларни векторлаштирилган

нусхаларини ҳам жойлаштириш мумкин.

Сўровлар



Маълумотлар базасида танлашга сўровдан фойдаланилган бўлиб, у сўровлардан энг кўп ишлатиладиган шакл ҳисобланади. Бундай типдаги сўровлар маълумотларни бир ёки бир неча жадваллардан қайтарладиган ва уларни ёзувларини янгилаш мумкин бўладиган (бир неча чегаралар билан) жадваллар кўринишида акс эттирадидлар. Танлаш учун сўровни, шунингдек, ёзувларни гуруҳлаш, жамини ҳисоблаш, ўртача қийматларини аниқлаш ҳамда жами қийматларининг бошқа типларини топишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳисоботлар



«Ер баланси» маълумотлар базасидаги ишлар натижаларини расмийлаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш учун «Ўзбекистон Республикаси ер фонди»га риоя қилган ҳолда яратилган ҳисоботлар кўзда тутилган. Ҳисобот маълумотлар чоп этилган кўринишда ифодаладиган самарали усул ҳисобланади. Ҳисоботнинг барча элементлари ўлчамлари ва ташқи кўринишини бошқариш имкониятига эга бўлган ҳолда фойдаланувчи ўзига хоҳлаган ҳолатда маълумотларни ёритиши мумкин.

Маълумотлар базаси ўзаро муносабатлар билан боғланган, турли моҳиятга эга бўлган 16 жадвал, 6 сўров, 20 шакл ва 25 макросдан иборат. Жадваллар ўртасидаги ўзаро алоқалар куйида келтирилган (3.1- расм).



3- расм. Жадваллар ўртасидаги алоқалар шакли.

Ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкалари тўғрисидаги ахборотларни сақлашга мўлжалланган асосий кўрсаткичлар (жадваллар) рўйхати қуйидаги жадвалда берилган (3.1- жадвал).

3.1- жадвал Ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари тўғрисидаги ахборотларни сақлашга мўлжалланган асосий жадвал.

Жадвалларнинг номи	Жадвалнинг моҳияти	Изоҳ
банкдаги мавжуд объектлар	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги “Owner” жадвали билан алоқа
Томорқа ер участкаси	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги “Owner” жадвали билан алоқа
12	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги «Топширик» жадвали билан алоқа
30	Манзиллар, объектлар номи, умумий маълумотлар	1- типдаги «Топширик» жадвали билан алоқа

Каталог алоқаларининг бир қисми жадвалда кўрсатилмаган, чунки улар ёрдамчи жадвалларга кирувчи тизимли луғатлар билан алоқани кўрсатади. Аммо бўлинган алоқалар луғатларга қараладиган бош жадвалларни тўлдириш чоғида улар тўғрилигини таъминловчи ташқи калитларнинг ёрдамчи ролини ўйнайдилар. Ахборотларни сақлашга мўлжалланган жадваллар орасидаги асосий алоқалар эса схемада мавжуд бўлади

3.2-жадвал

Ердан фойдаланувчилар (мулкдорлар) тўғрисидаги ахборотларни сақлаш учун

Жадваллар номи	Жадваллар моҳияти	Изоҳ
Owner	Жадвал жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни (паспорт маълумотлари ва хоказолар) ўз ичига олади.	П-1 типдаги «Банкдаги мавжуд объектлар, томорқа» жадваллари билан алоқа

VF turlari	Типлар изоҳи	Қўшимча жадвал
Tuman	Туманлар номи	Қўшимча жадвал
Tip	Ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари тўғрисидаги фойдала- ниш турлари	Қўшимча жадвал

YER UCHASTKASI

Subekt nomi	Maksudiy B.Yu.	Kadastr raqami	20:06:01:02:08:0002	Yer uchastka plani
Aholi soni	3			
Oila soni				
Tashkil topgan y	12.12.1975			
Shirkat xo'jalik				
A. Hamroyev				
Ekin yeri				
Lalmi yerlar	0,12			
Sug'oriladigan	3			
Bog' va mevali	0,025			
Imorat yeri	0,32			
Yer maydoni	3,49			



3.2- расм. Ер участкасининг умумий дарчаси.

AXMda mavjud obektlar

SEII

Massivdagi ver uchastkalari haqida ma'lumotlar

Tashkil topgan vaqti: 06.06.1975 Ob'ekt nomi: Yer uchastkasi Satlar: 24










Mulkdor: Maxsudov B.Yu. Kadastr raqami: 22:22:22:22:2210 Tuman: Sharof Rashidov

Oila soni: 1 Yo'nalish: Chorvachilik


Bog'zor	1	Sug'oriladigan	0
Uzumzor	1	Sug'oriladigan	0
Tutzor	1	Sug'oriladigan	1
Mevali ko'chtzor...	1	Sug'oriladigan	0
Daraxtzorlar jami	4	Sug'oriladigan	1
Ekin jami	4	Sug'oriladigan	0
Bo'z yerlar jami	1	Sug'oriladigan	0
Pichanzor jami	0	Sug'oriladigan	0
Yaylov jami	1	Suv b'ln ta'mink	0
Q.X. yer turlari	10	Sug'oriladigan	1
Imorat yeri	2	Sug'oriladigan	5
Ekin yeri	2	Tomarqa yeri	9
Ihota daraxtzorlar	2	Sug'oriladigan	2
Terakzor	2	Sug'oriladigan	10
Jami o'rmon	4	Sug'oriladigan	12
Daryo va soylar	2	Ko'llar	1
Suv ombor va havzak	3	Kanal, kollektor	2
Suv ostidagi yerlar	8		
Yo'l, so'qmoq va chor	10	Butazor	6
Ijtimoiy hovli, ko'cha v	0	Ijtimoiy binolar	0
QXda foydalanilmaydi	9	Meliorativ yerlar	10
Jami Q.X.da foydalanilmaydigan yerlar	27		
Umumiy yer maydoni	53		
Sug'oriladigan umumiy yer maydoni	26		

3.3- rasmlar. Massiv hududidagi er uchastkasining darchasi.

Shakllarda mavjud bo'lgan tugmachalar tug'risidagi axborotlar (3.4-rasmlar davomi):

-  Ёзувни кўшиш
-  Навбатдаги ёзув
-  - Олдинги ёзув
-  - Мавжуд шаклни чоп этиш
-  Шаклни янгилаш
-  Ёзувни сақлаш
-  Ёзувни олиб ташлаш
-  - Шаклдан чиқиб кетиш
-  Мавжуд шаклни ёпиш ва олдинги шаклни очиш

Ахборотларни қидириш ва янгилаш. Агарда олдин киритилган маълумотларни кўриш ёки таҳрир қилиш зарур бўлса, асосий шаклга (3.4- расм) қайтиб ва «Ma'lumot izlash» тугмаси босилади.



3.4- расм. Маълумот излаш дарчаси

«Ер баланси» дастури учун ҳужжатлар рўйхати (намунавий кўринишда):

- ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат далолатномасини берилган санаси;
- ер участкасидан фойдаланиш муддати;
- ер участкасидан фойдаланиш мақсади;
- ердан фойдаланувчи субъектнинг ихтисослиги;
- ердан фойдаланувчи субъектнинг ер участкалари бўйича ер баланси;
- юридик (жисмоний) шахснинг Ф.И.Ш., манзили;
- ер участкасининг (ер участкалари билан) ҳудудий жойлашув шакли;
- вилоят кадастр тартиб рақами;
- туман кадастр тартиб рақами;
- кадастр минтақаси;
- кадастр массиви;
- кадастр мавзеси
- ер участкасининг кадастр рақами;
- румб бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;
- координаталар бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;
- дирекция бурчаклари бўйича ер участкасининг жойлашув шакли;

- ер участкасининг рақамли кадастр харитаси;
- ер баҳоси (бонитет бали, меъёрий қиймати, қишлоқ хўжалик ерлари учун);
- ер ижараси ҳақининг миқдори;
- дебитор қарзлари (ер ижараси бўйича);
- кредитор қарзлари (ер ижараси бўйича);
- ердан фойдаланиш мақсади;
- ер ижараси ҳақи бўйича қарздорлар;
- ер участкасидаги объектлар чегарасининг шаклий чизмаси;
- ер турларининг жойлашув шакли;
- сервитут шартномаси;
- сервитут шартномаси бўйича ер участкасининг шаклий чизмаси;
- кўчмас мулклар рўйхати;
- мулкчилик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар;
- кўчмас мулкларга эгалик ҳужжатлари;
- кўчмас мулклар ижарачилари рўйхати;
- кўчмас мулклар қиймати;
- кўчмас мулклар ижара ҳақи миқдори;
- олдинги ердан фойдаланувчи юридик (жисмоний) шахс (Ф.И.Ш.);
- ер ўлчови далолатномаси (охиргиси);
- ер ўлчови бўйича ер баланси (охиргиси);
- ер ўлчаган ташкилот ва ходим (манзили, Ф.И.Ш.);
- ер участкасидаги контурлар харитаси;
- ер участкасидан фойдаланишда содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари;
- кўчмас мулк таркибидаги хоналар жойлашуви шакли;
- бинодаги субъектлар сони;
- бинодаги субъектлар (юридик ёки жисмоний шахслар);
- бинолар ижарачилари рўйхати;
- бинолар ижарачиларининг ижара бўйича қарздорлиги;
- хоналар ижарачилари рўйхати;
- хоналар кадастр ҳужжати;

- хоналар ижарачиларининг ижара ҳақи бўйича қарздорлиги;
- хонадан фойдаланишни чеклаш ҳужжатлари;
- хонадан фойдаланишни тақиқлаш ҳужжатлари;
- хонадон эгаси Ф.И.Ш.;
- хоналардан фойдаланиш бўйича сервитут шартномалар ҳужжатлари;
- ягона ер солиғи миқдори (ер участкаси бўйича);
- ягона ер солиғи (кўчмас мулклар бўйича);
- рўйхатга олиш учун ҳақ тўлаш миқдори;
- кўчмас мулкларни баҳолаш учун хизмат ҳақи;
- суғориш манбаси (асосий канал номи).

«Ер баланси» компьютер дастурини ишлаб чиқишда AutoCAD ва GeoCad System тизимларидаги услублардан кенг фойдаланилди. Маълумотлар тизимини автоматлаштириш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари Тошкент вилояти Қибай туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати фаолиятида жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қуйидаги бўлимда ер-ахборот тизимини яратиш учун ҳар битта қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектнинг ер участкаси учун кадастр рақамларини шакллантириш намунаси ишлаб чиқилган.

3.3. Туманда ер баланси ҳужжатларини расмийлаштириш

Ер балансини расмийлаштириш ва туман ер фондидан фойдаланишда юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида ёритиш маълум ер кадастри ҳужжатлари билан таъминланади. Туманда юритиладиган бундай ер кадастри ҳужжатлари асосан матн ва план харита турларига бўлинади.

Матн ҳужжатларида туман ер фонди тўғрисидаги маълумотлар миқдор кўрсаткичларда ёритилади. Улар ер турлари бўйича, ерларни суғорилиш даражаси, тупроқ бонитровкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолашни ўз ичига олган ҳолда асосий қишлоқ хўжалик ерларининг сифат ҳолатлари бўйича муддатсиз узок ва қисқа муддатли фойдаланиладиган ерларнинг тавсифини беради.

План-харита ҳужжатлари ҳисобга олинadиган худудни график жихатдан ёритади. План-харита материалларида матн ҳужжатларида ҳисобга олинган, туман

ер фондини асосий кўрсаткичлари бўйича тавсифлайдиган маълумотларнинг мажмуаси ёритилади. Туманнинг план-харита ҳужжатлари ер баланси хариталари бўлиб ҳисобланади. План-хариталар таркибига қуйидагилар киради: ердан фойдаланувчилар харитаси, ер ҳисоби харитаси, тупроқ харитаси, ер баҳолаш харитаси.

Матн ва план-харита материаллари ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуддир. Матн ҳужжатларига барча маълумотлар план-хариталар асосидагина туширилади. Шу сабабли ҳам ер балансини матн ҳужжатларида келтирилган ер кадастри маълумотларининг аниқлиги ва тўлаллиги план-харита материалларининг сифатига боғлиқдир.

Ер балансининг матн ҳужжатлари ҳисоб-китоб ва ҳисобот ҳужжатларига бўлинади. Туманнинг асосий ҳисоб-китоб ҳужжатида давлат ер балансига киради. Ер балансининг ҳисобот ҳужжати бўлиб туман ер баланси ҳисобланади. Ер баланси ҳужжатлари туман ер фондининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган бўлиши зарур.

Ер баланси ҳужжатлари асосида ҳисобот тузилади. Шунинг учун ҳам ер баланси ҳисобот ҳужжатларининг мазмуни кўпгина ҳолларда ер баланси ҳужжатларининг мазмуни билан аниқланади.

Ер баланси асосий ҳисоб ҳужжати сифатида барча маъмурий туманларда вилоят аҳамиятига эга бўлган шаҳарларда ягона шаклда юритилади. Китобни юритиш «Ергеодезкадастр»нинг туман хизмати бўйича масъул мутахассисга юклатилган. Маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилигига ҳамда ушбу китобдаги маълумотларга асосланиб бериладиган маълумотномаларнинг ишончлилигига туман хизматининг бошлиғи жавобгардир.

Ер баланси 4 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда туманда мавжуд бўлган барча ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олиш натижалари қайд қилинади. Бу иш давлат томонидан белгиланган тартибда услубий кўрсатмаларга биноан амалга оширилади.

Ер балансининг бўлимлари бўйича қайд қилинадиган ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартибида қуйида келтирилади.

Ерларнинг давлат ҳисоби ер турларининг ҳақиқий ҳолати ва фойдаланилиши бўйича ўтказилади. Ер баланси юқори сифатли план-картографик материаллар, ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобот маълумотлари, янгидан тасвирга олиш ёки тузатиш материаллари билан тўлдирилган ва тўғриланган олдинги йиллар ер баланси, тасвирга олинган материаллар, назоратли ўлчов ва ерларни график тарзда ҳисобга олишдаги жорий ўзгаришларни ҳисоблаш маълумотлари асосида олиб борилади. Ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича ерларни миқдор ҳисобини ўтказишга асос бўладиган барча материаллар (планлар, жорий ўзгаришларни ҳисобга олиш ва майдонларни назоратли ўлчови материаллари, қарорлардан кўчирмалар, ердан фойдаланувчиларга тақдим этилган маълумотлар ва бошқ.) «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғида сақланади.

Ерларнинг миқдорлари бўйича Давлат ҳисоби туман (шаҳар) ер баланси китобининг иккинчи бўлимида юритиб борилади. Иккинчи бўлим иккита жадвалдан ташкил топган: барча ерларнинг миқдорлари ва шу жумладан алоҳида суғориладиган ерлар. Бу бўлимда барча ердан фойдаланувчилар, давлат захира ерлари, шунингдек шаҳарлар, шаҳар типигадаги посёлкалар ерлари, чорбоғ посёлкалари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктлари ва бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган ерлар ҳам ҳисобга олинади.

Хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича Давлат ер балансининг иккинчи бўлими ҳар йили, 1 январга бўлган ҳолати бўйича тўлдирилади. Бошқа ердан фойдаланувчилар бўйича ёзувлар фақатгина уларнинг ер турлари таркибида ўзгаришлар юз берган тақдирдагина амалга оширилади. Янги ёзувлар бўлимнинг барча устунлари бўйича амалга оширилади.

Ўрмон хўжалиги корхоналари ерлари қоидага биноан учта қаторда ҳисобга олинади. Биринчи қаторга уларнинг ҳақиқий фойдаланишдаги майдонлари, иккинчисига, жамоа хўжаликларига, ширкатлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига узоқ муддатга фойдаланишлари учун берилган ерлар, учинчисига эса ўрмон-саноат корхоналарига ва бошқаларга узоқ муддатли фойдаланишга берилган ерлар қайд қилинади. Агарда ўрмон хўжалиги ҳудудида (ўрмон-саноат корхонаси,

ўрмон тайёрлаш корхонаси) аҳоли пунктлари мавжуд бўлса, улар билан банд бўлган ер майдонларини қайд қилиш учун яна битта қатор ажратилади.

Саноат, транспорт, алоқа ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари, қоидага биноан, икки қаторга ёзилади: биринчиси - муддатсиз фойдаланадиган ерлар; иккинчисидан - ердан фойдаланувчиларга бирламчи ердан фойдаланиш тартибидан берилган муддатли (узоқ ва қисқа муддатли) фойдаланадиган ерлар ҳисобга олинади.

Агарда ердан фойдаланувчилар ҳудудида аҳоли пунктлари бўлса, улар эгаллаган ер майдонларини қайд қилиш учун битта қатор қўшимча қилиб ажратилади.

6-10 устунларда террасаларда жойлаштирилганларни ҳам қўшган ҳолда барча кўп йиллик дарахтзорлар ҳисобга олинади.

Йўллар ва йўл иншоотлари, шамол кучини пасайтирувчи чизиқли кўп йиллик дарахтзорлардан ташқари ўрмон ҳимоя полосаларининг майдонлари кўп йиллик дарахтзорлар майдонларидан чиқариб ташланади ва улар алоҳида ер турларида ҳисобга олинади.

11-устунда бўз ерлар, 12-устунда пичанзорлар ва 13-14 устунларда яйловлар ҳисобга олинади. 14-устунда шу жумладан суғориладиган яйловлар ва 15-устунда қишлоқ хўжалик ер турларининг (ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар) умумий майдонлари ҳисобга олинади.

16-20 устунларда ушбу ердан фойдаланувчи ҳудудида жойлашган, шахсий фойдаланишдаги ер участкалари мавжуд бўлган хўжаликлар, хизматчилар ва бошқа фуқароларнинг томорқа ерлари ҳисобга олинади.

18-устунда "ҳайдалма ер"- далачилик экинлари ва полизчилик экинлари эгаллаган ерлар ва 21-22 - устунларда - жамоа боғлари ва тоқзорлари (чорбоғ участкалари) ҳисобга олинади.

23-устунда мелиоратив қурилиш босқичида бўлган ер участкалари ҳисобга олинади. Бундай ерларга фақатгина янги мелиоратив қурилишлар олиб борилаётган қишлоқ хўжалик ерлари, шунингдек дарахтлари кесиб олинган, лекин ҳайдалмаган участкалар, ҳали дарахтлари экилмаган, кўп йиллик ҳимоя ўрмон дархтзорлари экишга тайёрланган қишлоқ хўжалик ерлари ҳам киради.

24-26 устунларида давлат ўрмон фондининг майдонлари ҳисобга олинади. Бунга давлат ўрмон хўжалиги органларининг ўрмон хўжалиги корхоналари ерларидаги ўрмон майдонлари, шаҳар ўрмонлари, ўрмонлар ва заповедниклар ерлари, берилган ҳамда белгиланган тартибда ер-ҳисоби ҳужжатларида рўйхатга олинган ерлардаги ўрмонлар киради.

27-устунда давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтли - бутали ўсимликлар эгаллаган майдонлар, яъни, ерларидаги далаларни ҳимоя қилувчи ўрмон полосалари билан ва бошқа ҳимоя ёки кўкаламзорлаштирувчи дархтли-бутали ўсимликлар, темир ва автомобил йўллари, каналларга ажратилган полосалардаги ҳимоя дарахтзорлари эгаллаган майдонлар ҳисобга олинади.

28-30 устунларда сув тагида бўлган ерлар қайд қилинади.

31- устунда йўллар билан банд ерлар ҳисобга олинади.

32- устунда жамоат ховлилари, кўчалари ва майдонлари билан банд ерлар қайд қилинади.

33-устунда жамоат қурилишлари эгаллаган майдонлар қайд қилинади.

34-устунда бошқа ерлар ҳисоб қилинади.

б) "суғориладиган ерлар" жадвалини тўлдириш тартиби.

Суғориладиган ерларни ҳисоб қилиш ягона давлат ер фондини ҳисоб қилишнинг бир бўлаги ҳисобланади. Суғориладиган ерларни ҳисоб қилишда ерларни ялпи ҳисоб қилиш класификацияси сақланади. Шундай экан, устунлар ва қаторларни тўлдириш тартиби ўзига хос тушунтириш талаб қилмайди.

Янги қурилишлар натижасида суғориладиган ерлар майдонларнинг ўсиши мелиоратив объектларнинг қурилиши тугатилганидан сўнг қабул қилиш бўйича давлат ҳайъатининг далолатномалари асоси қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган чизмалар янги тасвирга олиш ёки жойдаги назоратли ўлчашлар асосида аниқланади. Агарда янги мелиоратив объект ҳудудида олдин суғориладиган ерлар бўлган бўлса, ундаги мавжуд тармоқлар қайтадан қурилган бўлса, бундай ер участкалари фойдаланишга янгидан қабул қилинган мелиорацияланган ерларга кирмайди.

"Суғориладиган ерлар" жадвалига барча суғориладиган ерлар шунингдек

суғориш тармоғи билан боғланган аммо сув билан таъминланмаган, ёки қайта қуриш талаб қилинадиган суғориш тармоғи бўлган ер участкалари киради.

Суғориладиган ерлар - бу қишлоқ хўжалигида фойдалниш ва суғориш учун яроқли ерларни суғориш суви билан таминлайдиган сув ресурсларига эга бўлган суғориш манбалари билан боғланган доимий ёки вақтинчалик суғориш тармоқлари бўлган ерлардир. Суғориладиган ерларга мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб қилинадиган суғориш тармоқларини қайта қуриш талаб қилинадиган ерлар ҳам киради.

Суғориладиган майдонларнинг чегаралари ер турларининг сифати ва суғориш режимининг маълумотлари асосида, шунингдек, хўжалик юритиш, аҳолини жойлаштиришнинг мавжуд шакллари ва бошқа шароитлари асосида жойда белгиланади ва ердан фойдаланиш планига туширилади.

Учинчи бўлим. Ер турларининг сифатини қайд этиш тартиби.

16-устунда лалми ерлардаги ҳайдалма майдонлар, 17-устунда лалми майдонлардаги бўз ерлар майдони, 18-устунда лалмикор минтақалардаги боғлар майдони, 19-устунда жами лалми ерлар майдони 20-устунда эса ёмғир сувлари билан таъминланган лалми ерларнинг майдони ёзилади.

21-устунда ёмғир сувлари билан чала таъминланган лалми ерларнинг майдони, 22-устунда ёмғир сувлари билан таъминланмаган лалми ерларнинг майдони, 23-устунда охириги йилнинг ер баланси маълумотлари бўйича пичанзорлар майдонлари ёзилади.

24-устунда охириги йилнинг ер баланси маълумотлари бўйича суғорилмайдиган яйловлар майдонлари, 25-устунда суғорилмайдиган яйловлар ва пичанзорлар (23-24) ва 26-устунда чўл минтақасида мавжуд бўлган суғорилмайдиган яйловлар ва пичанзорлар майдони, 27-устунда адир минтақасидаги суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдонлари ва 28-устунда тоғ минтақасидаги суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдонлари ёзилади.

Ер балансига ёзувлар туш ёки сиёҳда ёзилади, ҳеч қандай тўғрилаш, тозалаш ёки ўчиришга йўл қўйилмайди. Хатога йўл қўйилган тақдирда унинг устидан чизик тортилади ва янгиси унинг устки қисмига ёзилади. Ўзгартирилганлик тўғрисида

изоҳ китобнинг охирида берилади.

Китобга ип ўтказилади ва унинг хар бир вароғи рақамланади. Охирги бетда китобнинг қанча варағи ипга ўтказилганлиги қайд қилинади. Китоб туман (шаҳар) ҳокими ҳамда «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан имзоланади.

«Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи ўзгарган тақдирда ер балансини қабул қилганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ҳамда китобни қабул қилиб олган янги бошлиқ унинг охирига имзо чекади ва қабул қилиб олган кунини ёзиб қуяди.

Ер баланси хужжатини юритиш билан бир вақтда туман хизмати ходими туманнинг ердан фойдаланиш харитасини (навбатчи харитасини) ҳам юритиб боради. Давлат ер кадастри китоби «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан ёнғинга хавфсиз темир шкафда сақланади.

3-Бобга хулоса

Туманда ер баланси кўп босқичли тизимга асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбир бўлиб, жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлар манфаатига ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаоилиятига бевосита таъсир этади. Давлатнинг бошқа йирик тадбирлари каби ер тақсимотини ўтказиш ҳам тарихий шарт-шароитлар, ҳозирги замон талаби ва жамиятнинг истиқбол йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур бўлади.

Ер балансини расмийлаштириш ва туман ер фондидан фойдаланишда юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида ёритиш маълум ер кадастри хужжатлари билан таъминланади. Туманда юритиладиган бундай ер кадастри хужжатлари асосан матн ва план харита турларига бўлинади.

Ер баланси хужжатини юритиш билан бир вақтда туман хизмати ходими туманнинг ердан фойдаланиш харитасини (навбатчи харитасини) ҳам юритиб боради. Давлат ер кадастри китоби «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан ёнғинга хавфсиз темир шкафда сақланади.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш асосида ер ресурсларидан фойдаланишда хўжалик юретишнинг хусусий мулкчиликка асосланган янги шакллари вужудга келди ва фаолият кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, аграр сиёсатнинг ўзгариши ва янги иқтисодий - ташкилий механизмнинг жорий қилиниши ер балансини тузишда ишда геоахборот тизимини қўллашни рағбатлантирувчи услублари ва механизминини яратишни тақозо этади.

2. Ер ресурслари ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ер фондини ташкил этади. Ер табиий чегараларга эга ва чекланган ресурс сифатида ресурс ҳисобланиб, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқли равишда у қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети вазифасини бажаради. Шундан экан ер участкаларини ҳисобини юритиш ер балансини тузишда муҳим омилларни ўзига қамраб олади.

3. Туманда ер баланси кўп босқичли тизимга асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбир бўлиб, жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлар манфаатига ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига бевосита таъсир этади. Давлатнинг бошқа йирик тадбирлари каби ер тақсимотини ўтказиш ҳам тарихий шарт-шароитлар, ҳозирги замон талаби ва жамиятнинг истиқбол йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур бўлади.

Ер балансини расмийлаштириш ва туман ер фондидан фойдаланишда юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида ёритиш маълум ер кадастри хужжатлари билан таъминланади. Туманда юритиладиган бундай ер кадастри хужжатлари асосан матн ва план харита турларига бўлинади.

Ер баланси хужжати юритиш билан бир вақтда туман хизмати ходими туманнинг ердан фойдаланиш харитасини (навбатчи харитасини) ҳам юритиб боради. Давлат ер кадастри китоби «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан ёнғинга хавфсиз темир шкафда сақланади.

Тошкент вилояти Қибрай туманида ер балансини тузишда геоахборот тизимини қўллаш бугунги долзаб масалаларидан бири ҳисобланади. Диссертация ишида қўлланилган компьютер дастурий воситаларини қўллаган ҳолда туман ер балансини тузиш нафақат соҳа вакиллари иш вақтини тежаш билан бир қаторда иш тезлигини кескин оширади. Шунингдек, маълумотлар сифатини оширади ва тегишли давлат ташкилотлари ўзаро айирбошлашни тезлаштиради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь // Т.: «Адолат». - 1999. - Б. 152.
2. Ўзбекистон ССР Конституцияси. // Т. - 1978 й.
3. Ўзбекистон ССР Ер кодекси. // Ўзбекистон ССР Олий Советининг вedomостлари. - 1970.- № 33. 401-модда
4. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида. О государственной независимости Республики Узбекистан» // Ҳужжатлар.-Т.: Ўзбекистон. - 1991. - Б. 22.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат» - 1999. Б. 448.
6. «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 28 август, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.//Т.: «Адолат». - 1999. Б. 448.
7. «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 30 апрел, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат». - 1999. Б. 448.
8. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 30 апрел, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат»- 1999. Б. 448.
9. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 30 апрел, Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. // Т.: «Адолат»- 1999. Б. 448.
10. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // 29 август 1997 йил.
- 11.«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // 24 декабр 1998 йил.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр -Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: "Адолат", 2008 й. - 692 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Т.: «Адолат» - 1998. Б. 320 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: Адолат, 2006. - 800 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. // Т.: ТДЮИ - 2007.
5. Ўзбекистон республикасининг Уй-жой кодекси. Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: Адолат, 2006. - 800 б.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

1. "Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари Дастури тўғрисида"ги 4050-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2008 йил 28 ноябр.
2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-1734 от 11.03.97г. " О кординальных мерах по совершенствованию системы расчетов в сельском хозяйстве». // Финансовое законодательство Республики Узбекистан- 1997г.
3. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-1978 от 18.03.98г. « О программе углубления экономических реформ в сельском хозяйстве на период 1998-2000 годы». // Финансовая законодательства Республики Узбекистан. - 1998 г.
4. "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // № ПФ-2086, 10.10.1998 й. - Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. - 16-илова. Б. 7-9.

5. "Дехқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президента Фармони. // № ПФ-1737, 18.03.1997 й. -Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. - 1997 й.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қарори//1995 йил 11 апрель.- №126

2. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ягона ер солиги ундириш тартиблари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.//1998 йил 26декабрь. - №539.

3. «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 4 март 2000 йил. №75. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. –2000.-№3.

4. «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 5-май 2000-йил. №180. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. - 2000. - №5.

5. «Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 23 декабр 2000 йил. №496. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. -2000.-№12.

6. "Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни ҳамда унинг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш ва 1997-йил 27-октябрдаги 486-сон қарорини ўзгартириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Қарори. 13 феврал 2003 й. №76. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2003 йил 3-сон. - 28-модда.

7. "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. // 5 ноябр 2003 йил. - №486.

8. "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. // 14 феврал 2003 й. - №79.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б. 1.6.2.

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.

3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.:Ўзбекистон, 1997. - 384 б.

4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. - Т.: "Ўзбекистан", 1999. - 410 б.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: "Ўзбекистон", 2000. - 528 б.

6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.: "Ўзбекистан", 2001.-432 б.

7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. Т.: "Ўзбекистан", 2003. - 320 б.

8. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т. 14. Т.: "Ўзбекистан", 2006.-280 б.

9. Каримов, Ислом Абдуғаниевич. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир/ Ислом Абдуғаниевич Каримов. - Т. 15. Т.: "Ўзбекистан", 2007.

10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,

Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. // Т.: «Ўзбекистон». — 2009, Б. 56.

2. Китоб ва туркум нашрлари

2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.

а) бир муаллифнинг:

1. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. // Т.: «Ўқитувчи». - 1993.-Б. 240.

2. Амир Темур. Темур тузуклари. Б. Ахмедов таҳрири остида. // Т.: Ғ.Ғулом номидаги наш.-матб. Бирлашмаси. - 1991. - Б. 144.

3. Алтиев А.С. Сугориладиган ерлар инвентаризацияси // Энциклопедия "Пахтачилик", Ташкент, Т-2, 1990 г,

4. Веденин Н. Аграрное право. // М: «Юристпруденция». - 2000. - Б. 368.

5. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. // Т.: «Давлат солиқ кўмитаси». - 1996. - Б. 304.

5. Гнаткович Д. Земельный кадастр: экономика землепользования. // Львов. - «Вища школа». - 1986. - Б. 136.

6. Исмоилов А. Бозор муносабатларини шаклланиши ва агросаноатда иқтисодий ислохотлар. // Самарканд. - 1993. - Б. 14.

8. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. - М.: ИПО «Полигран», 1992. -

9. Комов Н.В. «Управление земельными ресурсами России: Справочное пособие». - М: РУССЛИТ, 1995, 300 с.

7. Латипов А. Ердан фойдаланиш ва солиқ солиш. // Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёти уйи». - 2005 й.

8. Мамазаров А.Б. Солиқ сиёсати. // Т.: «Молия». - 2003.-Б.148.

Нигматов А. Ер ҳуқуқи. III.: «ТИУ». - 2001. - Б. 224.

9. Новаковский Л. Экономические проблемы использования и охраны земельных ресурсов. // Киев - «Вища школа». - 1985. - Б.206.

10. Рабинович Б. Экономическая оценка земельных ресурсов и эффективности инвестиций. // М.: «Филинь». - 1997. - Б. 224.
11. Сагайдак А. Земельная собственность и рента (Рыночная экономика для всех). // М.: «Агропромиздат». - 1991. - Б. 80.
12. Хан Н.А. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолияти анализи. // Т.: «Уқитувчи». - 1978. - Б. 210.
13. Хван В. Солиқ қонунчилиги асослари. // Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». - 1999.
- Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. // Т.: «Узбекистан». - 1994. - Б. 73.
14. Чариев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. // Т.: «Фан». - 1992. - Б. 182.
- Эрматов И. Эффективность регионального АПК: методы измерения и оценки. // Т.: «Меҳнат». - 1988. - Б. 128.
15. Юткина Т. Налоги и налогообложение. // М.: «Инфра-М». - 1999. - Б. 429.
16. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. // Т.: Г. Гулом. - 2000. - Б. 168.
17. Пальчиков Ф.И. Теоретические основы земельных отношений и землеустройства. // Харьков. - 1981. - Б. 38.
18. Селиванова Л.А. Методические аспекты эколого-экономической оценки земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения. // Вестник Российской академии естественных наук (Санкт-Петербург). - 2006. - № 11. - (0,4 п.л.).
19. Аратский Д.Б. Экономические модели управления земельными ресурсами на региональном уровне. // Н.Новгород: ВВАГС. - 1998. - Б. 195.
20. Улюкаев В.Х. Земельное право. // М.: Былина. - 2002.
21. Умурзоқов Ў.П. ПОВИШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕСУРСНОГО ПОТЕНЦИАЛА АГРАРНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА. “Фан” Т.: 2006 й. – 216 Б.

б) икки муаллифнинг:

1. Аграрное право: Учебник для вузов // Под ред. проф. Г.Е. Быстрова и проф. М.И. Козыря. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Юристъ, 1998. - 534 с.
2. Аvezбаев С, Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. // Янги аср авлоди. - 2002 й.
3. Алтиев А.С., Тошқулов А.Х. Ер солиғи: назария ва услубиёт // Монография. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA». - 2007. - Б. 108
4. Алтиев А.С., Қоражонов Қ. Иқтисодиёт назариясидан семинар машғулотларига дойр ўқув-услубий қўлланма // Термиз, "Жайхун" нашриёти, 2000 й.
5. Беганов В., Қуролов М. Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш. // Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». - 1998. - Б. 320.
6. Каюмов Ф., Ким В. Экономический механизм улучшения использования земельно-водных ресурсов. // Т.: «Мехнат». - 1989. - Б. 48.
6. Хошимжонов М., Ғозиев Х. Суғориладиган ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш. // Т.: «Мехнат». - 1986. - Б. 68.
7. Герасимович В.Н., Голуб А.А. Методология экономической оценки природных ресурсов. // М.: Наука. - 1988. - Б. 141.
8. Волков С.Н., Варламов А.А. Землеустроительная наука и образование России в начале третьего тысячелетия: Сборник научных статей, посвященных 225-летию Государственного университета по землеустройству. // М.: ГУЗ. - 2004. - Б. 489.
9. Кухтин П.В., Левов А.А. Методология управления земельно-имущественным комплексом в регионе. Учебно-методическое пособие. // М.: ФГНУ «Российский научный центр государственного и муниципального управления». - 2003. - Б. 412.
10. Рахмонов К., асс. Норбоев. Ш Ер ресурсларини бошқариш фанини урганиш буйича хабарчи вароклардан фойдаланиш «Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муоммолари». Маколалар туплами Тошкент, 2005 й ТИМИ 139-140 бетлар
11. Умурзоқов Ў.П., И.Л. Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. Иқтисод –

молия нашриёти, Т.: 2008 й. (1-жилд- 608 Б., 2- жилд 468 Б.)

в) уч муаллифнинг:

1. Алтиев А.С, Авазов Э.Х., Тошқулов А.Х. Солиқлар ва солиқ солиш (ўқув-услубий кўлланма). // Термиз. - 2000.
2. Бобожонов. А.Р Гофуров. А. Ж доц.Рахмонов К Ер кадастри Дарслик. ТИМИ, 211 бет. Тошкент, 2008 йил
3. Бобожонов.А.Р Норбоев. Ш.К Рахмонов К Ер участкаларини руйхатлаш буйича маълумотлар банкни яратишнинг илмий-услубий асослари Монография, «Чулпон», Тошкент, 2006 йил, 107 бет
4. Фишер С, Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. // М: «Дело ЛТД». - 1993. - Б. 864.
5. Григорьев В.В., Острина И.А., Руднев А.В. Управление муниципальной недвижимостью: Учебно-практическое пособие. // М.: «Дело».-2001.

г) муаллифлар жамоасининг

1. Агапов Н.Н. и др. Методические основы оценки недвижимости: Учебное пособие. // М.: Издательство Российской экономической академии. - 1996.
2. Волков С.Н. и др. Итоги научных исследований сотрудников ГУЗа в 2001 г. Землеустройство, кадастры и земельное право: Сборник научных трудов, т. 1 и т. 2.: М.: ГУЗ, 2002. - 428 с. и 452 с.
3. Жўраев А. ва бош. Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. // Т.: «Меҳнат». - 2002. - Б. 209.
4. Кухтин П.В. и др. Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. 2-изд. // СПб.: Питер. - 2006. - Б. 448.

3. Диссертация ва диссертация автореферати

1. Абдуллаева М.С. Углубление экономических реформ и
2. совершенствование системы управления в АПК Республики Узбекистан. // Дисс. к. э. н.-Т.: 1997.

3. Жумаева Г. Янги ерларни ўзлаштириш, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги (Қашқадарё вилояти мисолида)/И.ф.н.дисс.-Т.:1999.
4. Исмаилов Р.Б. Повышение экономической эффективности использования земельных ресурсов. Дисс. к. э. н. // Т.: 1991.
5. Эргашева Ш.Т. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш. // И.ф.н. дисс. - Т.: 2004.
6. Ким М.В. Эффективность реконструкции орошаемых земель и пути ее развития. // Дисс. к. э. н. - Т.: 2001.
7. Рахмонов К. Пути повишуния уровня использования староорошаемых земель (на примере хозяйств Ферганской области) // Дисс. к. э. н. - Ц.: 1989.
8. Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условия экономического роста (на примере Республики Узбекистан). Автореферат дисс. д.э.н. // - Т.: 1996. - Б.45.
9. Убайдуллаев К. Оролбўйи экологик шароитида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни моделлаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. дисс. д.э.н. // Т.: 2005.
10. Умурзоков Ў.П. “Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора (на материалах Республики Узбекистан” Тошкент, 2003.

4. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

1. Алтиев А.С. Ернинг капиталлашуви ва молия бозорининг кенгайиши // «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий ойлик журнал. - Тошкент.
2. - 2008. - №9. - Б. 42 - 44.
3. Вирченко М., Смирнов В. О ренте и земельной реформе. // -М.: «АПК: экономика, управление». - 1993. - №2. - Б. 40-46.
4. Дудкин В, Свиринов В. Эффективное землепользование в сельскохозяйственных предприятиях. –М.: « АПК:экономика, управление ».-'1998.-№1.
5. Исмоилов А.Қ., Тошқулов А.Х. Кадастр-солиқ механизмининг методологик негизи ва иқтисодий мазмуни. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - ТермДУ. - Термиз. - 2002. - Б. 53.

6. Петров А., Гетман А. Оценка земли и налогообложение в Швеции. // -М.: «АПК: экономика, управление». - 1990. - №12. - Б. 117.
7. Рахмонов Қ., Ягона ер солиги. //Журнал. Узбекистон кишлок хўжалиги. - Т.: 2003. - №3.
8. Рахмонов К Приватизация земельных участков как фактор рационального управления земельными ресурсами Объединенный научный журнал № 13 (138), (спецвыпуск) Москва, 2007 год стр. 67-71
9. Рахмонов К Рынок земли как фактор совершенствования системы управления земельными ресурсами Экономика и финансы. Журнал № 11 (136)октябрь Москва, 2007 год. Стр 29-31.
- 10.Саидова Г. Ерга рента тўловининг табиати ва роли ҳақида. // Журнал. Узбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Т.: 2003. - №10.
- 11.Сафаров Ғ., Жўраева Н. Ягона солиқ назарияси моҳияти ва афзалликлари.//Журнал. Узбекистон иқтисодий ахборотномаси.-Т.:2003.-№3.
- 12.Тошқулов А.Ҳ. Солиқлар иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ва омили. // Журнал. Узбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2001. - №6. - Б. 45.
- 13.Штарберг И., Покровский А. Рентная оценка земли и арендная плата за пользования землей. // М.:«АПК: экономика, управление». - 1990 - №12. -Б. 61.
- 14.Хусанов Р.Ҳ. Ислоҳотларнинг илмий асослари. // Журнал. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Т.: 2003. - №1.
- 15.Қундузова Қ. Дехқон хўжаликларига ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. // Журнал. Узбекистан иқтисодий ахборотномаси. - Т.: 2003. - №3.

5. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар

1. Рахмонов К. Тармоқлараро ер таксимотида умум услубий масалалар «Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муаммолари». Мақолалар туплами Тошкент, 2005 й. ТИМИ,25-29 бетлар

2. Рахмонов К. Шахарда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқарув муаммолари «Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муаммолари». Маколалар туплами Тошкент, 2005 й ТИМИ 29-34 бетлар.
3. Рахмонов К. Иктисодиёт тармоклари бўйича ер таксимоти муаммолари «Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари» Тошкент, 2007 йил. ТИМИ 1 том.
4. Рахмонов К. Тармоқлар бўйича ер таксимоти муаммолари. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари Республика илмий амалий анжумани (1 том) 2007 йил.
5. Рахмонов К. Фермер хўжалигида ердан фойдаланишни бошқаришнинг назарий масалалари. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари. Республика илмий амалий анжумани (2 том) 2007 йил.

6. Статистик ва бошқа ҳисоботлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 1990-2008 йиллардаги турли ҳисоботлари материаллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006-2008 йиллардаги айрим ҳисобот материаллари.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2006-2008 йиллардаги айрим ҳисобот материаллари.
4. Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2006-2008 йиллардаги айрим ҳисобот материаллари.
5. Национальный отчет о состоянии земельных ресурсов -Т.: Государственный комитет по земельным ресурсам Республики Узбекистан. 2000-2003, 2006-2008 годы.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги прогнозлаштириш ва макроиктисодий татқиқотлар институтининг маълумотлари.
7. Иктисодий татқиқотлар Марказининг маълумотлари

7. Интернет саҳифаларига ҳаволалар

1. www.gov.uz/Ergeodezkadastr - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси
2. www.gki.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси
3. www.press-service.uz, www.kremlin.ru
4. <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
5. <mailto:site@tikhvin.org>

ИЛОВЛАР